




XASR



ИТМОИЙ-СИЙОСИЙ
GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2011 йил 10 февраль, пайшанба
06 (378)-сон

E-mail:
axborotXXlasr@yahoo.com, XXI_asr@yahoo.com

ВАКИЛГА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚЛАРНИ
ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ
2951 ТА МУРОЖААТ КЕЛИБ ТУШГАН. O'ZLIBER
ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ОМБУДСМАННИНГ БУ
БОРАДАГИ ИШЛАРИДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШГА
ТАЙЁР ЭКАНИНИ БИЛДИРДИЛАР. » 03



ЙИЛ ДАВОМИДА «АЛОКАБАНК»НИНГ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ТОМОНИДАН
ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАҲСЛАР
УЧУН 13 МЛРД. 694 МЛН. СЎМ
МИҚДОРИДА КРЕДИТ
ЙЎНАЛТИРИЛДИ. » 06



ЖАҲОН ОЗИҚ-ОВҚАТ ДАСТУРИ
МАЪЛУМОТЛАРИГА ҚУРА, АЙНИ ПАЙТДА
ДУНЁНИНГ 80 ТА МАМЛАКАТИДА
73 МИЛЛИОН КИШИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ДАН
ЁРДАМ КЎРСАТИЛИШИГА МУҲТОЖ БЎЛИШ
ТУРИБДИ. » 07



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида

МУЛҚДОРЛАРНИНГ ЎРТА СИНФИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШ, ИЧКИ
БОЗОРНИ РАҚОБАТБАРДОШ ВА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН
ТЎЛДИРИШ, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ ВА ШУ АСОСДА АҲОЛИ
ДАРОМАДЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ, МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАГИ
ФАОЛ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ СИФАТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА
ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ
ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА АНИҚ МАҚСАДГА
ЙЎНАЛТИРИЛГАН КЕНГ ЧОРА-ТАДБИРЛАР КОМПЛЕКСИНИ АМАЛГА
ОШИРИШ МАҚСАДИДА, ШУНИНГДЕК, 2011 ЙИЛ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК
ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН:

1. Қуйидаги йўналишларга асосланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин:

мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида янада қулай бизнес-муҳит яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бу боралда ишончли кафолатларни таъминлаш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг бошқарув функцияларини ва руҳсат берувчи нормаларни қисқартириш, бюрократик тўсиқ ва говларни олиб ташлаш, кичик бизнес субъектларининг

молия-кредит ва хом ашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарилган маҳсулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишини таъминлайдиган бозор воситалари ва механизмларини татбиқ этиш;

давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-ҳўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш;

кичик корхоналар ташкил қилиш ҳамда кичик корхоналар ва тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини янада содда-лаштириш, кичик бизнес субъектларини куриши ва уларни муҳандислик-комму-

никация тармоқларига улаш, нотуражой хоналари ва зарур ер участкаларини ажратиб бериш борасидаги масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар бўйича янада қулай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш, ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика органларига ҳисоботлар топшириш механизмининг такомиллаштириш ва унификациялаш;

2 >>>



2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши ва Президентимиз қарорига асосан Давлат дастурининг қабул қилиниши иқтисодиётнинг таянч кучига айланиб улгурган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш имконини беради, албатта. Зотан, 2010 йилнинг ўзида бу соҳа вакиллари томонидан 480 мингта янги иш ўрни яратилгани, мамлакат яли ички маҳсулотига хусусий секторнинг улуши 52,5 фоизга етгани ҳам ўрта қатлам имкониятлари кенгайтирилганидан далолатдир. Пойтахтимизда кенг фаолият олиб бораётган «Met Fur-Servis», «Тошкент мебель», «Naturel» корхоналарида эса илгор илм-фан ютуқларидан фойдаланилаётгани ўрта қатлам одамларининг мустаҳкам эканини кўрсатади.

Либерал ғоялар тарафдори бўлган 41 нафар ходимимиз қўлга киритилаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшиш баробарида партия дастурий вазифаларини тарғиб қилишда ҳам фаоллик кўрсатишяпти.

СЕМИНАР

» 02

Ўтган йили хорижий давлатлардан юртимизга олиб келинган 3810,9 минг тонна карантин остидаги юклар назоратдан ўтказилганди.

ЖАРАЁН

» 04

Доха яшил майдонларидаги Осиё кубогида ажойиб ўйин кўрсатган ҳамюртимиз Одил Аҳмедов ўз фаолиятини Россиянинг «Анжи» (Махачкаля) клубида давом эттирадиган бўлди.

ФУТБОЛ

» 08

Масъуллик шаҳодати

2010 ЙИЛИ, ШУБҲАСИЗ,
МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК
ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧНИ
БОШЛАБ БЕРГАН ЙИЛ ДЕБ АТАШ МУМКИН.
АЙНИҚСА, ЮРТБОШИМИЗНИНГ ОЛИЙ
МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА
СЕНАТИНИНГ 12 НОЯБРДА БЎЛИБ ЎТГАН
КЎШМА МАЖЛИСИДАГИ
«МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК
ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ
ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» НОМЛИ
ДАСТУРИЙ МАЪРУЗАСИ ЎТГАН ЙИЛНИНГ
ЭНГ МУҲИМ ТАРИХИЙ ВОКЕАСИ СИФАТИДА
ТИЛГА ОЛИНМОҚДА

Ўзбекистон-
Япония:



Ҳамкорликнинг янги босқичи

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЯПОНИЯ БОШ ВАЗИРИ
НАОТО КАННИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН 8 ФЕВРАЛЬ КУНИ
РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ТОКИОГА КЕЛДИ. 9 ФЕВРАЛЬ КУНИ
ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИНИНГ ЯПОНИЯ ИМПЕРАТОРИ АКИХИТО,
БОШ ВАЗИРИ НАОТО КАН, ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ СЕЙДЖИ
МАЕХАРА БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ БЎЛДИ

ТОКИО, 9 февраль.
ЎЗА махсус мухбири Олим
ТУРАКУЛОВ хабар қилади.

Учрашувлар чоғида томонлар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганини, ҳам икки, ҳам кўп томонлама асосдаги ҳамкорликнинг қўллаб йўналишлари бўйича ёндашув ва нуқтан назарлар ўхшашлигини таъкидладилар.

Томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий, сарможий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги аъъанавий дўстона, барқарор шериклик алоқаларига юксак баҳо бердилар.

Учрашув ва музокаралар юқори технологиялар,

иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш соҳаларидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ эканини яна бир бор тасдиқлади. Мамлакатларимизнинг юксак сарможий салоҳияти ушбу йўналишлардаги қатор лойиҳаларда ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

Икки томонлама алоқаларни кенгайтиришда иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон кўмиталари муҳим ўрин тутмоқда. Президент Ислам Каримовнинг Токиога ташрифи арафасида мазкур кўмиталарнинг навбатдаги қўшма йиғилиши бўлди. Бизнес-форум яқунлари Япония

ишбилармон доираларининг Ўзбекистон Республикаси сарможий салоҳиятига қизиқиши ортиб бораётганини яна бир қарра тасдиқлади.

Музокаралар якунида Ислам Каримов ва Наото Кан Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасидаги Қўшма баёнотга имзо чекдилар. Икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида «Тараққиётга расмий ёрдам» дастури лойиҳаларини амалга ошириш бўйича иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Президент Ислам Каримовнинг Японияга расмий ташрифи давом этмоқда.



Устувор мақсадларимиз ижобат бўлғусидир

БУ ЁРУФ ДУНЁДА ИНСОН УЧУН
ОНА БИТТА БЎЛГАНИДЕК, ВАТАН
ҲАМ ЯГОНАДИР. БИНОБАРИН,
ҲАР БИРИМИЗ УЧУН УНИНГ
ЭРКИ, ШАЪНИ, ОБРЎ-
ЭЪТИБОРИНИ АСРАШДАН
ЮКСАКРОҚ БУРЧ ЙЎҚ ВА
БЎЛИШИ ҲАМ МУМКИН ЭМАС.
ИСТИКЛОЛ БИЗГА АНА ШУ
МУҚАДДАС ТУЙҒУНИ ХИС ЭТИШ
ИМКОНИНИ БЕРДИ. СИЁСИЙ
МАҲДУДЛИККА АСОСЛАНГАН
ТОТАЛИТАР ТУЗУМ ДАВРИДА БУ
ТУЙҒУДАН БЕГОНА ЭДИК.
ШУКРКИ, БУГУН ТЕНГЛАР ИЧРА
ТЕНГМИЗ. ЮРТБОШИМИЗ
РАҲНАМОЛИГИДА УЗОҚНИ
КЎЗЛАБ АМАЛГА
ОШИРИЛАЁТГАН ТУБ
ИСЛОҲОТЛАР, ЯНГИЛАНИШЛАР
ШУНИНГ УЧУН ҲАМ ЎЗ
САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА

Узоққа бормаёлик-да, 2010 йил яқунлари билан боғлиқ айрим рақамларга назар ташлалик. Улар замиридаги ҳақиқат ҳам таллаб олинган тараққиёт йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётийлигидан далолат беради. Чунончи, ўтган йили яли ички маҳсулот ҳажми мутаносиб равишда ошиб, 8,5 фоизни ташкил этди. Бу, дунё мутахассисларининг ҳулосасига кўра, соҳадаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Бир йил давомида аҳоли реал даромадлари эса 123,5 фоиз кўпайди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида, оз эмас-кўп эмас, 1076 та лойиҳа амалга оширилди. Энг муҳими, яли ички маҳсулот таркибида иқтисодиётимизнинг таянч бўлинига айланиб улгурган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ошиб бормоқда.

2 >>>



Ана шу дастурий ҳужжатда белгилаб берилган вазифалар, шубҳасиз, парламент ва сиёсий партиялар зиммасига ҳам жуда катта масъулият юклатди. Мазкур Концепция нафақат Ўзбекистон, балки демократик жараёнларни босқичма-босқич амалга ошираётган, ислохотларни таркиб топган урф-одат, анъана ва қадриятлар асосида ривожланти-

раётган давлатлар учун ҳам андоза бўлиши мумкинлигини ҳатто халқаро экспертлар ҳам эътироф этмоқдалар.

Мутахассисларнинг эътирофи этишларича, ушбу Концепция сиёсий партиялар зиммасига масъулиятли вазифалар юклатиш баробарида уларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини янада фаоллаштиришни ҳам талаб этапти.

3 >>>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 8 ФЕВРАЛДАН
БОШЛАБ ВАЛЮТА ОНЕРАЦИЈАЛАРИ БЎЙИЧА БУҲАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,
статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва
бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан
қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	↓ 1678,90	1 АКШ доллари	↑ 1657,19	1 Хитой юани	↑ 252,70	1 Туркия лираси	↑ 1046,14	1 Япония иенаси	↓ 201,56
1 Англия фунт стерлинги	↑ 2673,21	1 Миср фунти	↓ 279,46	1 Малайзия ринггити	↑ 545,94	1 Швейцария франки	↓ 1738,01	1 Россия рубли	↑ 56,34
1 Дания кронаси	↑ 302,68	1 Исландия кронаси	↑ 14,32	1 Польша злотийси	↑ 581,55	1 ЕВРО	↓ 2273,75	1 Украина гривнаси	↑ 208,62
1 БАА дирҳами	↑ 451,21	1 Канада доллари	↑ 1680,21	1 СДР	↑ 2591,01	1 Жанубий Корея вони	↑ 14,98		

Президент қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ Қ А Р О Р И

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш механизми янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадларига, бошланғич сарояни шакллантиришга кредитлар ажратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгиланган учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш; кичик бизнесни ривожлантиришга ҳорижий инвестицияларни, авваломбор, халқаро молия институтларининг кредитларини ҳамда тўғридан-тўғри инвестицияларини кенг жалб этиш ва йўналтириш;

саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда юқори технология асосланган замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар жорий этилишини рағбатлантириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш масалаларини тубдан ҳал этиш, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, экспортга мўлжалланган маҳсулотини жаҳон ва минтақавий бозорларга олиб чиқишга қўмақлашиш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ахборот билан таъминлаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларида уларга консултив қўмақ бериш тизимини янада ривожлантириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 14 декабрдаги Ф-3539-сон фармойишига мувофиқ тузилган Республика комиссияси зиммасига «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг бажарилишини таш-

кил этиш ва унинг мониторингини олиб бориш вазифаси юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари бошчилигида тегишли ҳудудий комиссиялар ташкил этилсин, уларнинг зиммасига Дастурда кўзда тутилган тадбирлар республика ҳудудларида белгиланган муддатларда сўзсиз ва сифатли амалга оширилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

Бунда қуйидагиларга: тадбиркорларнинг ўз ишини очши билан боғлиқ масалаларда содир бўлаётган аниқ ўзгаришларга;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқлари — энергия ва газ таъминоти, сув ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа тармоқларга улашиши бўйича шарт-шароитларнинг яхшиланиши ва муддатлари қисқартирилишига;

тадбиркорлик субъектларига ер участкалари, шунингдек, нотуражой хоналар ажратиш бериш билан боғлиқ ҳолат қанчалик яхшиланишига;

кичик бизнес субъектлари фаолиятини текшириш ва бошқа ортқича чеклашларни, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлар молия-ҳўжалик фаолиятига аралашувини қисқартириш борасидаги ишларнинг аҳоли қай тарзда ўзгараётганига;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилиши билан боғлиқ ишларнинг аҳоли қанчалик ўзгарганига алоҳида эътибор қаратилсин.

3. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Республика

комиссияси (Ш.М.Мирзиёев):

икки ҳафта муддатда республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар томонидан ҳар бир вазирлик ва илора, минтақа, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»нинг ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқишини ҳамда қабул қилинишини таъминласин;

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури бўлимлари ва бандларини тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида бажариш бўйича республика давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар даражасида ишлар мувофиқлаштирилишини ташкил этсин, Дастурга киритилган тадбирлар амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисидаги материалларни йилнинг ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида қўриб чиқсин;

ҳар чорак якунлари бўйича «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ахборот бериб борсин.

4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспортни ҳажми ўсишига муҳим аҳамият берилгани ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2011 йил 7 февраль

қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда:

товарлар ва хизматлар экспорти ҳамда импорти бўйича статистик ҳисобот шаклларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда кўрсатилган хизматлар экспорти кўрсаткичлари бўйича алоҳида бўлим киритсин;

ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар экспорти ҳажмлари ҳамда таркиби тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиб борсин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари: аҳоли, айниқса тадбиркорлик субъектлари ўртасида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари кенг қўламада тушунтирилишини;

республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг Дастурда назарда тутилган тадбирларни амалга оширишга қўшган аниқ ҳиссасини акс эттирган ҳолда, Дастурнинг амалга оширилиши мунтазам ёритиб борилишини таъминласинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

И.КАРИМОВ

Семинар



Концепция ўқиб-ўрганилмоқда

О'ZLIDEP ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ «ШЎРТАНГАЗКИМЁ» МАЖМУАСИДА ЮРТБОШИМИЗ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ҲАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН ЎТКАЗДИ

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI ASR»

Депутатлар, тадбиркор ва фермер аёллар, мажмуа хотин-қизлари иштирок этган ушбу тадбирда партия вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Дилорам Азизова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шойира Ҳайдарова, халқ депутатлари вилоят ва шаҳар кенгашлари депутатлари Исмтигул Хўшмуродова, Хуршида Ҳороқова ва бошқалар давлатимиз раҳбари илгари сурган ғоя ҳамда ташаббусларнинг аҳамияти хусусида сўз юритдилар.

— Жамоамизда 550 нафар аёл меҳнат қилади, — дейди «Шўртангазкимё» мажмуаси хотин-қизлар кенгаши раиси Юлдуз Аҳмедова. — Уларнинг аксарияти О'zLiDeP аъзоларидир. Либерал ғоялар тарафдори бўлган 41 нафар ходимимиз қўлга киритилаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшиш баробарида партия дастурий вазифаларини тарғиб қилишда фаоллик ҳам кўрсатишяпти.

Умуман, вилоятдаги 11229 на-

фар О'zLiDeP аъосининг 2861 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади. Улар орасида бир нафар Олий Мажлис Сенати аъзоси, бир нафар Қонунчилик палатаси депутати, икки нафар вилоят, 16 нафар шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари бор. Воҳда хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратиш, касаначилик, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркор аёллар учун имтиёзли кредит ажратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда минта яқин хотин-қиз тадбиркорлик фаолияти билан банд. Улар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида микрокредитлар ажратилиб, зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Натига аёлларга касб-ҳунар ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш борасида ижобий ўзгаришларга эришилляпти.

Мана, баъзи мисоллар. Деҳқонobodлик тадбиркор аёл, халқ депутати туман кенгаши депутати Нодира Бойназарова замонавий технология келтириб, нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйди ҳамда 30 га яқин хотин-

қизни иш билан таъминлади. Бешкент шаҳридаги «Гулшан» хусусий фирмаси раҳбари, О'zLiDeP фаоли Кундуз Каромова бир неча йил муқаддам Меҳнат бандлиги жаммармасидан 5 млн. сўм кредит олиб, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди. Дастлаб ойига 5 тонна ун маҳсулотни қайта ишланган бўлса, айни кунда ушбу кўрсаткич 30-40 тоннани ташкил этаётир. Маҳсулот турлари 30 тага етказилди. Айни пайтда бу ерда 28 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Тадбиркор аёл Зиёда Ҳайитова Қарши шаҳридаги «Элегант-Зиёда дизайн» ўқув марказига раҳбарлик қилади. Ҳозирга қадар 40 дан ортқ хотин-қиз ушбу ўқув марказини тугаллаб, касб-ҳунар эгаси бўлди.

— Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш айти кундаги муҳим вазифалардан биридир, — дейди гузорлик фермер, О'zLiDeP фаоли Зулхумор Жабборова. — Партияимиз ушбу масалага жиддий эътибор қаратиб келаяпти бежиз эмас. Дейлик, Гузор туманининг ҳудуди катта. Чорва, парранда боқиш, даламикор майдонларда экин экиш, гилла тўқиш ёки каштачилик билан шугулланиш орқали қўшимча даромад топиш мумкин. Бу биз учун катта имкониятидир. Умуман, фаол аёл ўз қобилиятини намоён этиб, рўзгорига барака кирита олади.

Тадбирда Концепцияда ўртага қўйилган вазифалар юзасидан агароғич фикр юритилди, шунингдек, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида хотин-қизларда ишбилармонлик маданиятини шакллантириш, уларнинг меҳнат қилиши учун жойларда зарур шарт-шароит яратиш, аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий мақсени мустахкамлашга қаратилган муҳим тақлифлар ўртага ташланди.

Таъкидланганидек, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида О'zLiDeP тадбир кенгаши сафларига хотин-қизларни кўпроқ жалб қилиш, фаол аёллар ҳисобига аъзолар сонини кескин ўстириш, тадбиркорликни эндигина бошлаётган хотин-қизларга замонавий технологиялар сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш, уларнинг ҳуқуқий-иқтисодий билимларини оширишга жиддий эътибор қаратиш, касаначиликни ривожлантириш, касаначилар учун имтиёзли ҳақ тўлашни йўлга қўйиш, вилоятдаги нефть ва газ корхоналари қошида кичик корхоналар ташкил этиш орқали аёллар ўртасида бандлик даражасини ошириш, касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшлар, айниқса, қизларни иш билан таъминлаётган тадбиркорларга солиқ соҳасида имтиёзлар бериш, умуман, аёлнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мақсени янада ошириш алоҳида ижтимоий аҳамиятга эгадир. Анжуманда ана шулар хусусида кенг ва агароғич фикр юритилди.

Ислохот

Устувор мақсадларимиз ижобат бўлғусидир

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Носир ТОШЕВ, «XXI ASR»

Бирок, Юртбошимиз таъкидлаганидек, эришилган натижаларга маҳдид бўлмастгизимиз лозим. Бугунги тараққиёт барча соҳа вакилларида янада қатъият ва ташаббускорлик билан фаолият юритиш, самарали иш усулларини амалиётда кенг қўллашни, мавжуд ички имкониятлардан тўла фойдаланишни тақозо этмоқда. Зеро, бугунги ҳаракат — эртанги баракат, демакдир.

Юртбошимизнинг 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг устувор йўналишларга бағишланган маърузаси билан танишаркансиз, беихтиёр ана шундай фикрлар хаёлингиздан ўтади. «Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» деб номланган ушбу маъруза чуқур таҳлилга бойлиги, аниқ мақсадларга қаратилгани билан концептуал аҳамиятга эгадир. Унда эри-

шилган ютуқлар атроғич таҳлил қилиниб, кейинги йилгирма йил давомида амалга оширилган таркибий ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти тўла очиб берилган. Бу ўз-ўзидан тушунарли, албатта. Зеро, халқимиз бугунги натижаларга осонликча эришмади. Саноат ва қишлоқ ҳўжалигини тубдан ислохот қилиш, мамлакатда макронисқосдий барқарорликни таъминлаш, мулк ва мулкчилик муносабатларини ҳаётга жорий этиш учун не-не машаққатли йўлларни босиб ўтишга тўғри келди. Кураш ва интилишларимиз албатта исзис кетмади.

Президентимиз маърузасида тилга олиб ўтилган яна бир ҳиҳат алоҳида эътиборни тортади. Бу қишлоқларнинг маданий қиёфасини ўзгариши билан боғлиқ масалалар. Шунинг назарда тутилган ҳолда кейинги йилларда қишлоқ ҳудудларида замонавий уй-жой қурилишини кенгайтиришга давлат даражасида эътибор қаратилляпти. 2010 йилнинг ўзида республикамиз туманларида 6800 та янги уй-жой барпо этилиб, тайёр ҳолда эгаларига топширилди. Бу ҳам бўлса, мустақиллик-


нинг яна бир шарофатидир. Илгирини паҳса ёки лойсувоқ уйлар ўрнида қад ростлаётган кўркам иншоотлар кўзни қувонтиради. Утган йили ана шу мақсадлар учун салкам 430 млрд. сўм миқдоридида капитал қўйилмалар, жумладан, 250 млрд. сўмдан ортқ узоқ муддатли имтиёзли кредитлар йўналтирилди. Бу эса 2009 йилга нисбатан 9 баробарга кўпдир. Қишлоқ ҳудудларида аҳолининг муносиб яшашини учун зарур бўлган 165 та ижтимоий инфратузилма иншоотлари барпо этилди.

Бир сўз билан айтганда, қишлоқ инфратузилмасини тубдан ўзгариши, аҳолининг фаровон яшашини таъминлаш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Давлатимиз бу борда маблағ ва ердани аямаяпти. Эту мақсад йўлидаги савй-ҳаракатлар ўз ижобатини топаётганини амалда қўриб турибмиз. Инсон омили, миллат келажаги ҳақидаги бундай эътибор ва ғамхўрлик асрларга татигуликдир!

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили эса олдимиизга янада масъули-

ятли вазифаларни қўймоқда. Улар ижросини таъминлаш йўлида қатъият ва фаоллик кўрсатишимиз, бор билим ва тажрибаимиз сафарбар этишимиз лозим, албатта. Юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси, қолаверса, муҳим фуқаролик бурчимиз шунини тақозо этади. Маърузада белгилаб берилган устувор йўналишларга келсак, улар яқин ўйинликларга мўлжалланган дастурий мақсадларимизга ҳамоҳанглиги билан катта ижтимоий аҳамиятга эгадир. Бу, шунингдек, барча соҳа ходимлари, айниқса, ислохотларнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган сиёсий партиялар, жумладан, О'zLiDeP электорати вакиллари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Ғал халқ манфаати, юрт истиқболни ҳақида борар экан, хотиржам бўлишга асло ҳаққимиз йўқ. Чунки бир-биридан муҳим ва қўламли ишлар ўз навбати кутиб турибди. Қўлни қўлга берсак, бир ёқдан бош чиқарсак, улар албатта ижобат бўлғусидир. Ана шунда қўзлаган барча эзгу ниётларимиз рўёбга чиқиб, турмушимиз янада фаровонлашад.



Сарҳисоб

Масъуллик шаҳодати



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Кахрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

Аммо кейинги пайтларда сийсий партиялар фаолияти хусусида билдирилаётган турли мулоҳазалар, сайловчиларнинг эътирозли фикрлари сийсий кучларнинг мамлакат ижтимоий-сийсий жараёнидаги фаолияти ҳали қониқарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 5 февраль кунини фракцияси билан ҳамкорликдаги кўшма мажлисида ҳам ана шундай фикрлар билдирилиб, партиянинг 2010 йилдаги фаолияти танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилди.

Тадбирда парламент кўйи палатаси депутатлари, Сийсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбарлари, фермерлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Мажлис иштирокчиларининг фикрича, Ўзбекистоннинг ўз вақтида танлаган иқтисодий тараққиёт модели бугун амалда ўзини тўлиқ оқламакда. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бунда, энг аввало, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш тамойил дастуриламал вазифасини ўтайти. Узоқни кўзлаб олиб борилган ислохотлар туфайли ҳам бугун Ўзбекистонда 2000 йилдагига нисбатан ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ўсишига эришилди.

Бундай натижалар ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улushi йилдан-йилга ортиб бораётгани билан ҳам изоҳланмоқда. Бу эса ялпи ички маҳсулотнинг 52,5 фоизини ишлаб чиқараётган, аҳолининг қарийб 74 фоизини фойдаланиш меҳнатга жалб этаётган ўрта синф вакилларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш, уларга зарур шарт-шароит яратишда О'zLiDeP зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Партия Сийсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадусулф Тешабоевнинг таъкидлашича, бунда асосий эътибор

О'zLiDePнинг Сайловолди дастурида белгиланган йўналишлар ва Юртбошимизнинг ўтган йилнинг 27 январидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга оширишга қаратилган лозим. Ўтган даврда аҳолининг тадбиркорликка жалб қилиш дастурларини жаддалаштириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган О'zLiDePнинг амалий ҳаракатлари дастури ишлаб чиқилиб, шу асосда қатор тадбирлар ўтказилди. Хусусан, партия қўшидаги Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази фаолияти такомиллаштирилиб, 2010 йилда марказ орқали тадбиркорларнинг 151 та ариза ва мурожаатлари кўриб чиқилди. Марказ томонидан тадбиркорлар ва фермерлар иштирокида 50 дан ортиқ семинар ва давра суҳбатлари ўтказилган бўлса, бевосита партия кўмагида 1089 та тадбиркорлик субъекти, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида 60 та, Андижон вилоятида 596 та, Навоий вилояти ва Навоий шаҳрида 339 та, Тошкент вилоятининг Қўйраб туманида 94 та кичик корхоналар ташкил этилди. 250 та ёш тадбиркорга эса бизнес юритиш асослари ўргатилди, 1500 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

М.Тешабоев, шунингдек, жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши бошқа сийсий кучлардан фарқи ўлароқ О'zLiDeP учун том маънодаги имтиҳон йили бўлади. Зеро, Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қучуқлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ва йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиллигида белгилаб берилган вазифалар партия фаолиятини бугунги кун талабларига мослаштиришни кун тартибига қўймоқда.

Бу жараёнда эса асосий оғирлик О'zLiDeP фракцияси зиммасига тушади, албатта. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери уринбосари, О'zLiDeP фракцияси раҳбари Бахтиёр Якубовнинг таъкидлашича, фракция аъзоларининг ўтган йилдаги фаолияти партия электорати манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилди. Соҳани тартибга солуви

ҳуқуқий ҳужжатларга бўлган кун талабидан келиб чиқиб, ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантиришга қаратилган қатор қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди.

— Жумладан, ўтган йили депутатларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида 11 та қонун лойиҳаси қабул қилинган бўлса, уларнинг 4 тасида фракциянинг аъзолари иштирок этдилар, — деди Б.Якубов. — Бундан ташқари, 2010 йилда Қонунчилик палатаси томонидан палатанинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти дастури доирасида 7 та парламент эшитиш ташкил этилган бўлса, унинг 4 таси фракция ташаббуси билан ўтказилди. Уларда бугунги ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг жойлардаги ижроси юзасидан

мутасадди идораларнинг ахборотлари эшитилиб, шу асосда амалдаги қонунчиликка ўзгартишлар киритиш бўйича амалий таклифлар тайёрланди. Фракциянинг навбатдаги фаолияти эса Президентимиз томонидан тақдим этилган Концепцияда илгари сурилган асосий йўналишлардан келиб чиқиб ташкил этилмоқда. Бунда ўрта синф манфаатлари билан боғлиқ 10 дан ортиқ янги қонун лойиҳаларини тайёрлаш, парламент эшитиш ва депутатлик сўровлари ўтказиш назарда тутилган.

Партиянинг 2010 йилдаги фаолияти танқидий таҳлил қилинган мажлисда партия марказий ва ҳудудий органларининг белгиланган вазифаларни бажаришга доир 16 та йиғилиши ўтказилган, Сийсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан 21 та қарор ва 19 та фармойиш чиқарилганига қарамай,



Мансур ЗОКИРОВ,
О'zLiDePнинг Бухоро вилоят кенгаши раиси

Ҳақиқатан ҳам ўтган даврдаги фаолиятимизга ҳолис назар ташласак, партия тузилмаларининг сийсий жараёнлардаги иштироки суст экани, айрим ҳудудларимизда ҳали-ҳануз партиянинг кўрсатмалар талаб даражасида бажарилмаётганига гувоҳ бўламиз. Бунинг асл сабабини эса партиянинг ўзга саналган бошланғич ташкилотларнинг иш самардорлиги таъминланмаётгани билан изоҳласак, тўғрироқ бўлади. Қачонки ҳар бир партия ўз мақсадларига эришишда қўйи бўғинлардаги тузилмалар фаолиятини жонлантirmас экан, етарли натижага эриша олмайд.

Шу босидан ҳам, энг аввало, қўйи бўғинлар фаолиятини яхшилаш, уларни зарур моддий-техника ва адабиётлар билан таъминлаш зарур. Бунда партиянинг гога ва мақсадларини кенг жамоатчиликка сингдиришда БПТ раҳбарларини моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳам яхши самара бериши мумкин. Мисол учун: бугун ички имкониятларга эвазига аъзолари юздан ошган БПТ раҳбарларига олийк маош тайинлаш ёки рағбатлантириш орқали улар зиммасидаги масъулиятни опиириш керак, деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, сийсий партияларга билдирилаётган ишонч ва яратилаётган имкониятлар олдимиздаги масъулиятни юз қарра ошириши баробарида мамлакатдаги етакчи сийсий куч сифатида биздан амалий саъй-ҳаракатларни ҳам кутади.



Мухлис АКРАМОВА,
О'zLiDeP Сийсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси уринбосари

Таъкидлаш жоиз: ўтган бир йил мобайнида хотин-қизларни фойдаланиш меҳнатга жалб қилиш, уларни оилавий бизнесга ўргатиш ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш билан боғлиқ 2352 тага яқин турли мавзуда тадбирлар ўтказилди. Уларда минглаб опа-сингилларимиз қатнашиб, ўз билим ва малакаларини ошириш имкониятига эга бўдилар. Аммо ҳали зиммамиздаги вазифаларни тўла-тўқис бажара олдик, деб бўлмайди. Хусусан, ўтган йилги фаолиятимизни атрофлича таҳлил қилсак, ўтказилган барча тадбирларимиз «Аёллар қаноти»нинг ўз куч ва имкониятларини даражасида ташкил этилганини кўраимиз. Жойлардаги депутатларимиз ва партия фаоллари томонидан хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш билан боғлиқ бирорта жўзак таклифлар билдирилмагани ҳам аёллар масаласига етарлича эътибор қаратилмаётганини кўрсатмоқда. Агар ишимизни шу зайдда давом эттираверсак, бугунги сийсий рақобат муҳитида олдимизга қўйилаётган талабларга жавоб беролмай қоламиз.

айрим ҳудудларда муҳим партиявий кўрсатмаларни бажаришда сансоларлик ҳолатлари сақланиб қолаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, жойларда ишлаб чиқилган режаларни тўлақонли бажармаслик ҳолатлари учрамоқда, раҳбар кадрларни танлаш ва партия захирасини шакллантириш, БПТ аъзолари билан ишларнинг самарали усуллари билан етарлича фойдаланилмапти.

Шунинг учун ҳам мажлисда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида О'zLiDePнинг фаол иштироки масаласига жиддий аҳамият бериш зарурлиги таъкидланди. Тадбиркорликнинг фикрича, О'zLiDeP тадбиркорлар ва фермерларнинг том маънода иқтисодиётнинг таянч кучига айланишини таъминлашга қаратилган дастурлар ва йирик лойиҳаларни амалга ошириши баробарида улар ижросини ҳам қатъий назоратга олиши зарур.

Анжуманда партия ташкилотларининг мафкуравий йўналишидаги фаолиятини янада кучайтириш, либерал-демократик ғояларни, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг бунёдкорлик салоҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш орқали айрим фуқаролар оғида сақланиб қолаётган мулкдорлар қатламига ўғай кўз билан қараш сингари эскича муносабатларга барҳам бериш лозимлигига ҳам эътибор қаратилди.

Мажлисида партия Сийсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосарлари Қ.Назаров, М.Акрамова, «XXI аср» ижтимоий-сийсий газетаси бош муҳаррири М.Абдураҳмонов, О'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши раиси М.Зокиров кун тартибидagi масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Қўшма мажлисида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.



Ҳамкорлик кучайтирилиши керак. Чунки...

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ О'ZLiDeP ФРАКЦИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИДА ПАРЛАМЕНТНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ВАКИЛИ (ОМБУДСМАН)НИНГ 2010 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўз мухбиримиз

Маълумки, мазкур институт илк мартаба Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Олий Мажлиснинг V сессиясида таъсис этилган эди. Ўтган давр мобайнида парламентнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили мақоми тўлиқ шакллантирилиб, фаолиятининг ҳуқуқий механизми янада кучайтирилди. 2004 йилга келиб янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши мазкур институт фаолиятининг асосий йўналишларини, бу лавозимга сайлаш ва овоз қилиш тартиби, фуқароларнинг ариза ва мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ваколатларини белгилаб берди. Мажлисида таъкидланганидек, 2010 йилда ҳам инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида самарали ишлар олиб борилди.

Юртбошимизнинг 2010 йилнинг 27 январидagi дастурий маърузасида белгилаб берилган вазифалар ҳамда 12 ноябрда эълон қилинган Концепцияда кўзда тутилган талаблар Омбудсман фаолиятида ҳам сезиларли ўзгаришлар ясади. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидовани таъкидлашчи, ўтган йилда Омбудсман томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда уни халқроқ ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига мувофиқлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Омбудсман 25 га яқин қонун лойиҳаларини тайёрлашда фаол иштирок этди. Хусусан, кейинги ўз йил мобайнида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуннинг бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб борилди. Буларнинг барчаси Омбудсманнинг жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёндаридаги иштирокчи янада кенгайтирилди.

Фракция аъзолари таъкидлашларича, ушбу вакилик институтининг ўтган йилдаги иш жараёни инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида

фаолият юритувчи давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда халқроқ ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилди.

— Омбудсманнинг фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари борасидаги мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда тиклаш бўйича чора-тадбирлар қабул қилишга қаратилган фаолияти айнақса эътиборга молик, — деди Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Нуриддин Муротов. — Биргина ана шу мақсадга қаратилган ишлар доирасида 10619 та мурожаат ўрганилиб, уларга тегишли жавоблар қайтарилди. О'zLiDeP ушбу вакилик институтининг бу борадаги ишларини доимо қўллаб-қувватлаган ҳолда ўз электорати ҳисобланган тадбиркор, фермер ва кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясида унинг кучидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Муҳокама жараёнида О'zLiDeP фракцияси аъзолари тадбиркорлар ва фермерларнинг Омбудсман институтига мурожаат этиш масалаларига қизиқиб, ушбу йўналишда Вакил томонидан кўрилган чоралар натижаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Ўтган йили инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларни таъминлаш масалалари билан боғлиқ 2951 та мурожаат келиб тушган. Улар ўз вақтида назоратга олинган. Шунинг учун ҳам О'zLiDeP фракцияси аъзолари Омбудсман фаолиятига муҳим аҳамият бериб, унинг инсон ҳуқуқлари борасидаги ишларида ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини билдиришди. Депутатларнинг фикрича, тадбиркорлик соҳаси бўйича вакилга келиб тушган аризалар моддийлик ўрганишда Олий Мажлиснинг парламент эшитиш функциясида фойдаланиши яхши самара бериши мумкин.

Фракция аъзолари, шунингдек, биринчи ўқишда муҳокамага киритилган «Жаноят иштини юритиш чоғида қамолда қолган қонун ҳужжатларини қайтариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилинди. Қонун лойиҳаси Жаноят-процессуал, Маълумий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги қонунларга ҳам тегишли ўзгаришлар киритишни назарда тутди.

Мажлисида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, партиянинг нуқтани назари белгилаб олинди.

жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетиши, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатта (3 ёки 5 кунгача) озоқликдан маҳрум қилишдан иборатлиги белгиланган. Бунда ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахс ички ишлар бўлиминининг вақтинчалик қамалган ҳибсхоналарида ёхуд тергов ҳибсхоналарида стационар тартибда, кузатиш зарурлиги туғилганда эса қамоқда сақлаш учун мослаштирилган тиббий муассасаларда сақланилади.

Бироқ амалдаги кодексда фақатгина ушлаб турилганларни сақлаш тартиби ва шароитларига оид, бошқа қонунга ҳавола қилалган бир неча умумий нормаларгина мавжуд бўлиб, қамоққа олинганлар ва тиббий муассасаларга жойлаштирилганларга нисбатан бундай қонунлар мавжуд эмас.

8 боаб, 56 моддалдан иборат ушбу қонун лойиҳаси эса айнан ана шундай ҳолатларга барҳам бериш ва бу борадаги қонунчиликни бир тизимга солиш мақсадида ишлаб чиқилмоқда. Унда ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг мақоми, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қамоқда сақлаш жойларидаги ички тартиб-қондалар каби бир қатор тушунчалар мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Бугуннинг гапи

Авлиё деб аталаётган Валентин аслида ким бўлган?

ДУНЁ ТАМАДДУНИНИНГ БУГУНГИ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАБ БЕРГАН ЭНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРДАН БИРИ БУ, ШУБҲАСИЗ, ТЕЗКОР АХБОРОТ АЛМАШИНУВИНИНГ ПАЙДО БЎЛГАНИДИР. БУНДАЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ЮКСАЛИШИ ШАРҚ ВА ҒАРБ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ УЙҒУНЛАШУВИГА ҲАМ ТУРТКИ БЕРДИ

Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

Масалан, XII асрда Европада Шарқ ҳунармандлари томонидан тўқилган нафис газламалар, атлас, муслин, дамастлардан либослар тикила бошланган бўлса, кейинроқ фарбиклар бўлган шарқликлар каби дас-турхон атрофида чиройли либосларда ўтиришни, овқатларни билдур ва чинни идишларда тановул қилишни ўргандилар. Айни пайтда Шарқ халқлари ҳам Фарбнинг сара аъёнларини ўзлаштири бошладилар. Ана шу икки буюк тамаддунинг ўзаро маданият алмашинуви бугун ҳам давом этмоқда.

Аммо, афсуски, ана шундай тараққиёт маъсулидан эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланувчилар ҳам пайдо бўлдики, бу, айниқса, XXI асрга келиб кўпроқ кўзга ташлана бошлади. Айрим давлатлар ва сиёсий кучларнинг ўзга халқлар маънавий оламиин издан чиқаришга уринишлари, хусусан, демократия ва ошкоралик никоби остида бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашиб, барчамизни огоҳликка даъват этиши керак. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бугунги замон воқеалари, реал ва ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабақларни чиқариб яшашни талаб этмоқда. Шу

боис юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод оғидида мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида, унинг шифқатсиз ўйинлари тўғрисида бирёқлама ва сохта тасаввур бўлмастлиги керак.

Минг афсуски, бугун юртимизга ҳам турли ахборот воситалари орқали кимлар учундир «идеал» саналган ва айни пайтда Фарбни ҳам жиддий ташвишга сола бошлаган «янгилик»лар оқими кириб кела бошлади. Баъзи ёшларимизнинг замонавийлик белгиси остида тарқалаётган ана шундай иллатларга кўр-кўрона тақдир қилаётганларини оммавий ахборот воситаларида ҳолис ва тўғри ахборотларнинг тақдирлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Хусусан, «Авлиё Валентин кунини», «Муҳаббат кунини», «Севишганлар кунини» сифатида талқин қилинаётган «байрам»ни олайлик. Аслида насронийликнинг энг кўп учрайдиган католик ва православ маъбадидагиларнинг ўзлари бундай кун ва шу номдаги байрамни тан олмаётган бир пайтда айрим давлатларда бу кунга нега бунчалар жиддий эътибор қаратилмоқда, деган ҳақти савол пайдо бўлади. Тарихий ҳужжатларда ҳам бу ҳақда аниқ маълумотлар учрамайди. Баъзи христиан йилномачилари эса бу киши ўз замонасида севишганларини бир-биринга учраштириб қўйиш бўйича «мутахассис» бўлганини таъкидлашди. Таъминани таъкидлашди. Таъминани эраимиздан уч аср аввал қадимий Римнинг Терн шаҳрида яшаган Валентин аслида роҳиб бўлиб, черков қонунлари-

га кўра уларнинг нафақат уйланишлари, ҳатто аёллар билан мулоқот қилишлари ҳам оғир гуноҳ саналган. Черков ақидаларига қарши чиқиб, беҳаёлик қилган Валентин эса охириқабат қатл қилинган. Шундан сўнг шахсий манфаати йўлида динни ниқоб қилишга уринган баъзи бир жамоалар томонидан унга «муҳаббат курбони» номи берилиб, унинг «авлиё» экани кенг тарғиб қилина бошлади.

— Муҳаббат аслида инсон билан дунёга келиб, у вафот этганида тугайди, — дейди этика ва эстетика фанлари доктори, профессор Абдулла Шеров. — Яратганнинг туҳфаси бўлган иншо илоҳий неъмат инсоннинг инсонлигини намойён қиладиган ҳолатдир. Баъзи чет эл сериалларида осонгина қилиб «энди сени севмай қўйдим» дейиш олди ҳол ҳисобланади. Севи — илоҳий туйғу, албатта. Унинг борлиги инсон шайни, ориятини белгилайди. Вақти келиб, муҳаббатидан воз кечиш кишининг бетайинлигидан, ҳаётга бўлган сунъий муносабатидан далолат беради. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, «мен бошқасини севиб қўйдим» дейиш ушбу улғу тўғрисида камситишдан бошқа нарса эмас. Кимки ўз қадр-қийматини билса, у ўз туйғусини, ҳиссиётини асраши, ҳимоя қилиши даркор.

Баъзан ҳар қандай одам ҳам ички туйғуларининг асирига айлиб қолади. Бундай ҳолатда, табиийки, ҳиссиёт ақлдан устун келади. «Авлиё Валентин кунини» номи билан кириб келган

«байрам» моҳияти ҳам ёшларнинг ана шундай заиф томонларидан фойдаланиб, турли ғайридиний, ғайринсоний ақидаларни улар оғидида синдиришга хизмат қилади, холос. Бошқача айтганда, у миссионерлик ҳаракати даҳларнинг навбатдаги найрангидан бошқа нарса эмас. Мақсад эса ёшларга таъсир ўтказиш, бошқа мафкура, ўзга эътиқод орқали уларни ўз измига солиштириш. Шу мақсадда 14 февраль — «Севишганлар кунини» дея ўйлаб топилди ва бугун дунёга «экспорт» қилина бошланди.

Масаланинг яна бир томони шундаки, ушбу ноанъанавий «байрам»ни ўйлаб топшиш орқали айрим турли тақлифномаю уйинчоқлар «севишганлар кунини» тарғиб қилишдан ташқари унинг раҳнамоларига миллионлаб даромад келтиримоқда. Табиийки, бундай қулай бизнес туридан ҳеч ким мусово бўлишни хоҳламайди. Шу боис бизнес корчалонлари йилдан-йилга янги ҳудудларни қидириб топиш ва у ерда ўз «бизнесини» йўлга қўйиш учун «севишганлар кунини» тарғиб қилишга зўр бераётганлар. Тан олиб айтиш керакки, юртимизда айрим нобоп кимсаларнинг, турли теле ва радиоканалларнинг, «ўроқда йўқ, машоқда йўқ, аммо хирмонда хозир» бўлган айрим қўшиқчиларнинг шарофати билан уларнинг режала-

ри амалга ошмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Валентин кунини» миллий менталитетимизга ёт бўлиб, у кишиларни ҳақиқий севгидан узоқ бўлган ахлоқсизликка ундаяпти, холос. Унинг таъсирида бугун муҳаббат аталмиш илоҳий туйғу ҳам тижкорлашиб бормоқда. Севгининг баҳоси қандайдир арзимас моддий билан ўлчанапти. Натижала бу кўпша оилаларнинг бузилишига, ёшлар ўртасида ажралишлар сонининг ортишига олиб келаётди.

Янгиладан турган дунёда турли ғойивий хуружлар авж олишининг сабабини геомоникни даъво қилаётган баъзи давлатларнинг манфаатлари маълум бир ҳудудда тўқнаш келаётгани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Негаки, бу каби давлатлар жамиятини таназзулга олиб боришга қаратилган ғайринсоний, ғайрихлоқий ғояларга байроқдор бўлиш эвазига ўша жамиятни маънавий қарамликка солишга уринмоқдалар. Ҳатто ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлган ғойивий кураш майдонини таъсирга тушиб қолган миллиатнинг эса истиқболни йўқ. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек: «Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидидаги ҳаракатлар шу қадар тизги, шу қадар тезкорки, энди илгаридек, ҳа, бу воқеа биздан жуذا олдига ўз берилди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай қайфиятга берилган халқ ёки миллат тарққибётган юз йиллар орақда қолди кетиши ҳеч гап эмас».

Божхона хабарлари

Қонун чегарани четлаб ўтишга йўл қўймайди

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан ўтган 2010 йилда мамлакатимиз газнасига 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 101,6 млрд. сўмдан ортқ мабла туширилди. Бу соҳага оид қонунчилик базасининг ички тартиб-қоидалари тақомиллаштирилгани самарасидир. Энг асосийси эса бунда кичик бизнес вакиллари ва хусусий корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолияти фаолашайгани муҳим роль ўйнамоқда. Маҳаллий табиёркорларимизнинг чет эллик шериклар билан ҳамкорликни ривожлантиришга ҳар томонлама қўмак бериш, улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш эса қўмита олдида турган устувор вазифалардан ҳисобланади. 2010 йил божхона идоралари томонидан 38 миңдан ортқ ҳолатда ҳуқуқбузарликлар аниқланганини, уларга нисбатан 937 та жиноят иши қўзғатилиб, 35 миңга қондабузарликка нисбатан маъмурий жазо қўлланилганини таъкидлаш жоиз. Ана шу даврда божхоначиларимиз жами 910 тонна рағли ва қора металл, 325 миң литрдан ортқ ёнғил-моёлаш материаллари, 91 миң литр спирт ва турли хилдаги алкоғолли маҳсулотлар, 364 миң қўтдан ортқ акшиз марказисиз сигареталар, 158 миң литр атрофидидаги ўсимлик ёғи, 87 тонна чой, 1400 бош чорва моллари, 28 тонна пахта хом ашёси ва бошқа товарадарнинг ноқонуний олиб ўтилишига йўл қўймадилар. Жисмоний шахсларни божхона назоратидан ўтказишда валюта, маданий-тарихий қимматликлар, заргарлик буюмлари контрабандаласига мустаҳкам тўсиқ қўйилгани учун ҳам 1,3 млн. АҚШ доллари, 12,2 млн. Россия рубли, 418,2 млн. сўм, 33,1 кг атрофидидаги тилла буюмлар, тарихий-бадий қимматга эга 1057 та буюм ушлаб қолинди.

Партия наشري бошланғич ташкилотларга етиб бориши «шарт» эмас

ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИНING III МАЖЛИСИДА ПАРТИЯНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ЖОНЛАНТИРИШ, БУНДА, АЙНИҚСА, КУЧЛИ КУЙИ БЎҒИН — КУЧЛИ ПАРТИЯ ШИОРИ ОСТИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ИШИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ, УЛАРНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ КУЧАЙТИРИШ ОРҚАЛИ ПАРТИЯНИНГ МАФКУРАВИЙ ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШГА ЭРИШИШ БЎЙИЧА БИР КАТОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН ЭДИ

Наргиза ҚАҲҚОРОВА,
Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI ASR»

Ҳақиқатан ҳам партиянинг мақсад ва вазифаларини аҳолининг турли қатлам вакилларига етказиш, партия илгари сураётган ғоянинг тарғибот-ташвиқотини кучайтиришда бошланғич партия ташкилотларининг роли ҳар қачонгидан муҳим экани Сиёсий Кенгаш мажлисида бежиз таъкидланмади.

Бу эса, ўз навбатида, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни кучайтириш, партия веб-сайтининг энг долзарб ахборотлар билан бойитишни, бир сўз билан айтганда, энг чека ҳудудларга ҳам партиянинг мақсад ва вазифалари етиб боришига эришиш учун барча имкониятлардан фойдаланишни талаб этади.

О'зLiDeP Қашқадарё вилоят кенгашининг партия фаоллари, БПТ раҳбарлари, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳи аъзолари қатнашган махсус ўқув-семинарда ҳам ана шу масала атрофида муҳокама қилинди.

Гап шундаки, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг мазмун-моҳиятини жойларга етказиш ва бу муҳим ҳужжатда белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш учун тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилиши ва соҳада фаолият олиб бораётган кадрлар фаолияти қайта кўриб чиқилиши зарур. Аммо семинарда бошқа оммавий ахборот воситаларига эмас, айрим ҳудудларга партия нашини ҳақиқатда етиб бораётгани ҳақидаги маълумот айрим ҳудудлардаги партия «дарға»ларининг тарғибот масалаларига ниҳоятда юзаки ёндашганларини кўрсатмоқда. Хусусан, Деҳқонобод, Косон туманларидаги аксарият бошланғич ташкилотларга партия наشري етиб бораётганидан бошқа ҳулоса чиқариш қийин. Қашқадарё вилоятидаги 699 та бошланғич ташкилотда 11229 нафар партия аъзоси борлигини инобатга олсак, бу масаланинг нечоғли муҳим эканига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришлар партия фаолиятини ҳам бугунги кун талабларига мослаштиришни тақозо этмоқда. Бугунги семинарда вилоят кенгашининг барча даражадаги тузилмалари фаолияти танқидий кўриб чиқилиб, улар зиммасига бир қатор

вазифалар қўйилди, — дейди О'зLiDeP вилоят кенгаши гуруҳи раҳбари ўринбосари Бахтиёр Шарипов. — Ҳа, чиндан ҳам долзарб вазифаларнинг белгилаб олингани яхши. Аммо энг муҳими, уларнинг ижросини таъминлаш, қуруқ сўзлардан, дабдабали тадбирчиликлардан амалий ишларга ўтиш ҳар бир бўғиндаги фаолларнинг ташаббускорлигига, шахсий масъулиятини ҳис этишларига боғлиқдир. Бугун Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасида муҳокама этилаётган масалалар, партиянинг парламентдаги фракцияси томонидан муҳокама қилинаётган қонуналар моҳияти, улардан кўзда тутилаётган мақсад жойларга, айниқса, қуйи бўғинларга етиб борма-са, қутилган натижага эришиб бўлармикин? Партия фаолиятида бошланғич ташкилотлар ишининг нечоғли муҳим экани инобатга олинди, партия наشريда БПТлар фаолияти доир махсус илова чоп этилаётганидан мақсад ҳам аслида шунда эмасми? Тўғри, нафақат Қашқадарё вилояти, балки мамлакатимизнинг қатор ҳудудларидаги аксарият бошланғич ташкилотлар ана шу илова ўз фаолиятларини жонлантиришга, жойлардаги БПТлар иши билан танишишга ёрдам бераётганини таъкидламоқдалар. Хусусан, «Шуртаннефтьга», Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, «Муборакнефтьга» сингари корхоналарда ташкил этилган БПТлар ҳақида ана шундай фикр билдириш мумкин. Аммо қатор ҳудудлардаги БПТлар хусусида бундай ҳулоса чиқариш қийин. Чунки ўтказилган тақдирлар ана шундай ҳолат Фарғона, Сирдарё, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий кенгашларида ҳам кузатилаётганини кўрсатмоқда.

Мақолани тайёрлаш жараёнида жойлардаги бошланғич ташкилотлар фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида кучайтириш лозим, деган фикрларни кўп эшитдик. Айниқса, ахборот тезкорлиги талаб этилаётган айни кунларда электротартиқнинг партия фаолияти ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслигини, депутатлик гуруҳлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зLiDeP фракцияси аъзоларининг қонуни ижодкорлиги фаолияти хусусидаги ахборотлар тадбиркор ва фермерларимизга қутилган даражада етиб бораётгани ҳам вилоят кенгашлари билан бирга партия ахборот хизмати ва партия наشري зиммасидаги масъулиятини ўн чандон оширишни талаб этади.

Таҳлил

Карантин ёмон ишламаяпти

СОҲА МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ФИКРИЧА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЎЛ ҲОСИЛ ОЛИШ, ЭНГ АВВАЛО, ЭКИН НАВИ ВА УРУҒЛАРГА БОҒЛИҚ БЎЛИБ, УРУҒ ЭКОЛОГИК ЖИХАТДАН ТОЗА, КАСАЛЛИКЛАРГА ЧИДАМЛИ ВА ЮҚОРИ ҲОСИЛДОР БЎЛСАГИНА МЎЛЖАЛДАГИ МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИЛАДИ

Ўз мухбиримиз

Шу боис жаҳон зироатчилигида ҳосилдор, касалликка чидамли навларни етиштириш ҳамда уларни зарарли таъсирлардан асрашга алоҳида эътибор қаратилади. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидидаги Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси қошида фаолият олиб бораётган Ўсимлик карантини илмий маркази раҳбари Икромжон Тожиевнинг таъкидлашича, ўсимликларнинг ташқи ва ички карантини бўйича давлат тадбирлари тизимини амалга ошириш, мамлакатимиз ҳудудига хориздан олиб келинаётган ва халқ хўжалигига иқти-

содий зарар етказиши мумкин бўлган хавфли зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан муҳофиза қилиш масалаларига айниқса жиддий эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси ва илмий марказ томонидан ўтган йили 7605 нусха импорт карантин рўхсатномаси берилган бўлса, хоризжий давлатлардан юртимизга олиб келинган 3910,9 миң тонна карантин остидаги юклар назоратдан ўтказилган.

Мутахассислар айни пайтда мамлакатимиздан хоризга 3 миллион 507,7 миң дон турли хил мевали, манзарали кўчат ва қаламчалар экспорт қилинганини ҳам таъкидла-

моқдалар. Ана шу жараёнда Ўсимликлар карантини илмий маркази арбитраж вазифасини ҳам бажариб, карантин органемлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини ўрганиш, тизимдаги ходимлар малакасини ошириш, тегишли қўлашма ва тавсияномаларни ишлаб чиқиш билан шуғулланаётди.

— Хориздан экологик тоза, ҳосилдорлиги юқори ўсимлик ва кўчат навларининг олиб келиниши ҳам аҳоли саломатлиги, ҳам иқтисодийётимизга фойдалидир, — дейди марказ раҳбари, О'зLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси аъзоси Икром Тожиев. — Шу сабабдан марказимизда ўсимликларни касалликлардан муҳофиза қилиш борасида илмий изла-

нишлар олиб бораётимиз. Жумладан, яқинда юртимизга келтирилаётган ширсули мевалар, олмаалар ва бошқа эканларнинг янги навларини олиб кириш тартиби, экспортта мўлжалланган пахта толасини фунгициз қилишда магтоксин препаратини қўллаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиди. Шунингдек, «Америка оқ капалагига қарши кураш», «Картошка олтин нематодаси» ва «Пахта толаси» лойиҳалари бўйича ҳам ишлар олиб боришмоқда.

Ҳақиқатан ҳам аграр соҳанинг ривож топиши ва аҳолининг сифатли, экологик тоза озиқ-овиқ маҳсулотлари билан таъминлашда ушбу идораларнинг ҳам салмоқли улуши бор. Шу боисдан юртимизга олиб



келинаётган кўчатлар, уруелар ёки маҳсулотларда касаллик белгилари аниқланса, уларнинг зудлик билан олди олинапти. Хусусан, ўтган йилнинг 11 март кунини Хитойдан Қорақалпоғистон Республикасидаги «Ланэкстрак» Ўзбекистон-Хитой қўша корхонаси томонидан импорт карантин рўхсатномасиёз, факат фитосанитар сертификат билан келтирилган 4500 дон олма кўчати текширувдан ўтказилганда, уларда касалликлар борлиги аниқлан-

ди ва кўчатлар яроқсиз деб топилди.

Шунингдек, Россиядан 2010 йилнинг 12 март кунини «Sirdaryo Agroseed» хусусий корхонасига олиб келинган қунабоқар уруғлиги лабораторияда синиб кўрилганда, унда бир неча касалликлар борлиги аниқланди. Вьетнамдан «СЖТ Ташкент ЛТД» фирмасига олиб келинган пахта толасида эса унинг зараркунандалар ҳашарот билан зарарланганлиги маълум бўлди.

XXI ASR
ЎЗLiDeP
ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОИЙ-СИЙOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBIKLARONLAR HARAKATI —
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Мухаммадйосиф ТЕШАБОВЕВ, Абдурашид ЖУРАБОВЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Бақодир ҒАНИЕВ, Зибдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илхом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Раъшан ОХУНОВ, Шухрат НОРГИТОВ, Шухрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Кийём НАЗАРОВ.
ТАХРИРИЯТ: Озод РАҲАБОВ, Марк ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзода НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, Асхор ИСТАМОВ, Тоҳир МАЛИК, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шухрат ОХУНЖОНОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ
МАТН ТЕРУВЧИ: Нигора ЖУРАЕВА
БЎЛИМЛАР: Котиббинг — 281-40-17, Партия турмуши — 254-67-78, Парламент фаолияти — 255-43-57 Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар — 255-64-80, Иқтисодий, тадбиркорлик ва фермерлик фаолияти — 255-68-50, Халқаро ҳаёт — 254-91-09, Ешлар ва аёллар масалалари — 255-68-50, Реклама дирекцияси — 215-60-45, Факс: 215-63-80.
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.
ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com XXI_ASR@yahoo.com.
©XXI ASR-дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ бошмақолида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, «Навобий» кўчаси, 30-уй.
МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» иқтисодий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Matbuot ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
Буюртма рақами: J 1087
Тираж: 18 558
Навбатчилар: Т.МИРҲОДИЕВ, М.РЎЗИЕВ.
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

Нуқтаи назар

Депутатлик гуруҳларида

Хатолардан хулоса чиқарилди

ЮРТБОШИМИЗ РАҲНАМОЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН КЕНГ КўЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР БОШҚА ХУДУДЛАРДА БўЛГАНИДЕК, САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ҲАМ ўзининг РЕАЛ НАТИЖАЛАРИНИ БЕРМОҚДА. АЙНИҚСА, ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БУЊЁДКОРЛИК ИШЛАРИ, ЭНГ ЧЕККА ҚИШЛОҚ ТУМАНЛАРИДА ҚАД КўТАРАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР, КЕНГ ВА РАВОН ЙўЛЛАР, ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ҲУСНИГА ҲУСН КўШАЁТГАН КОЛЛЕЖ ВА ЛИЦЕЙЛАР КўҲНА САМАРҚАНДГА БўЛГАН ЭЪТИБОРНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРМОҚДА

Амрилло АҲМЕДОВ,
Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашидаги О'зLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари

Аммо ана шундай натижаларга қарамай, айрим соҳа ва тизимларда йўл қўйилаётган хатолар маҳаллий аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Хусусан, вилоятда йўл қурилиши, йўлларни таъмирлаш ва улардан фойдаланишнинг аҳоли хуСУСИДАГИ фикр-мулоҳазалар бу борадаги ишларни бугунги кун талаблари даражасида жадаллаштиришни талаб этмоқда. Шу асосда халқ депутатлари вилоят кенгашидаги О'зLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан мазкур масала атрофида ўрганиб чиқилди.

Маълумотларга кўра, вилоят ҳудудини турли даражадаги 23227 километр йўл бўлиб, шундан 4128 километри умумфойдаланув автомобиль йўллари ҳисобланади. Унинг 1940 километри туман марказлари ва шаҳар кўчалари, 8676 километри эса қишлоқлараро кўчалар, 7133 километри туман ҳокимликлари ва 1350 километр йўл эса корхоналар тасарруфларида.

Масалани чуқур ўрганиш мақсадида Самарқанд халқаро, давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослашган давлат корхонаси, вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси, вилоят давлат архитектура-қурилиш назорат инспекцияси, Самарқанд шаҳар, Жомбой, Булунгур ва Самарқанд туман ҳокимликларига депутатлар гуруҳи

номидан сўров хатлари юборилди. Шунингдек, депутатлар гуруҳларга бўлиниб, реал ҳолатни жойларда чиқиб ўрганилди.

Аниқланишича, вилоятда йўл қурилиши ва йўлларни таъмирлаш борасида изчил ишлар амалга оширилаётганига қарамай, жойларда талай муаммолар мавжуд. Хусусан, «Самарқандавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш давлат ташкилоти тизимидаги бўлиналар, «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси томонидан мувофиқлаштирилаётган йўл қурилиши билан шугулланаётган айрим ташкилотлар белгиланган шартномавий мажбуриятларни бажармаётганлиги аниқланди.

Масалан, «Ободон» хусусий корхонаси 2010 йилда Пахтачи туманидаги 5 километр масофали йўлда 340,2 млн. сўмлик қурилиш ишлари бажаришни режалаштиргани ҳолда 1 сентябрга қадар ҳеч қандай иш бошламаган. Шунингдек, Самарқанд туман йўллардан фойдаланиш давлат корхонаси эса Улуғбек кўрғонида кириш йўлида амалга оширилиши мўлжалланган 489,5 млн. сўмлик ишларга белгиланган муддатда киришмаган. Иштихон туман йўллардан фойдаланиш давлат корхонаси эса «Чопарашли-Тошбайрон» автомобиль йўлининг 10-13 километрларида 102,6 млн. сўмлик таъмирлаш ишларини бор-йўғи 26 фоиз бажарган, холос.

«Нурбулоқ-Бошқулуқ-Улуғ» йўлининг 9-11 километрини «Фаёз автойўл ободончилиги» СНЧК 2009 йилда ўрта таъмирлаб, фойдаланишга топшириши лозим эди. Афсуски, бу иш бугунгача

ҳам ниҳоясига етказилмаган.

Лойиҳа қуввати 5,4 километр бўлган «Каттақўрғон-Мойбулоқ» йўлидаги ўрта таъмирлаш ишлари Иштихон туман йўллардан фойдаланиш давлат корхонаси томонидан 2 йилдан буён якунланмаганини ҳам изохлаш қийин. Аслида 2009 йилда фойдаланишга топширилиши лозим бўлган иш 2010 йил режасига киритилган эди.

Йўл қурилиши технологияси талаблари бузилиши натижасида эса айрим ҳудуд

ётқизиб, «ишим битди» қабилади йўл тутганлар.

Айрим ҳолатларда йўл таъмирлашда кум-шағал аралашмаси қалинлиги ва кенлиги, йўл қиялиги таъминлашига эътибор қаратилмагани боис йўллар сифатсизлигича қолиб кетаяпти.

Маълумки, йўлсозликда кўприклар қурилиши муҳим аҳамият касб этади. Бу борада вилоятда муайян ишлар режалаштирилган бўлса-да, бироқ бу ишлар ҳам ниҳоясига етказилмаётган. Хусусан,

зиччи сессияси кун тартибига «Вилоятда йўл қурилиши, йўлларни таъмирлаш ва йўллардан фойдаланишнинг аҳоли тўғрисида»ги масала киритилди. Сир эмас: бугун вилоятнинг умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларининг аксарият қисми таъмирталабланишга қолмоқда. Баъзи серқатнов йўлларнинг носозлиги туфайли эса ҳаракат хавфсизлиги талаблари бузилиб, турли кўнгилсиз ҳолатлар юз бермоқда. Энг ёмони, ана шундай носоз ҳолатга тушиб қолган йўлларга ҳар бир туман ва шаҳарларда кўзингиз тушади. Шу боис депутатлар гуруҳи, аввало, энг серқатнов ва таъмирталаб йўлларни навбатдаги иш режасига киритиш бўйича иш олиб бориш лозим, деган қарорга келди.

Бундан ташқари, гуруҳ аъзолари иш жараёнида тайёрланган маълумотлар асосида йўл қурилиши ва таъмирлаш ишларида тендер танловларига нисбатан талабчанликни ошириш зарур, деган хулосага келишди. Бундан ташқари, гуруҳ аъзолари иш жараёнида тайёрланган маълумотлар асосида йўл қурилиши ва таъмирлаш ишларида тендер танловларига нисбатан талабчанликни ошириш зарур, деган хулосага келишди.

Сессия муҳокамаси асосида халқ депутатлари вилоят кенгашининг «Вилоятда йўл қурилиши, йўлларни таъмирлаш ва йўллардан фойдаланишнинг аҳоли тўғрисида»ги қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинган эса яна бир қарра депутатларимиз фаолияти реал натижалар бераётганини кўрсатди.


Аниқланишича, вилоятда йўл қурилиши ва йўлларни таъмирлаш борасида изчил ишлар амалга оширилаётганига қарамай, жойларда талай муаммолар мавжуд. Хусусан, «Самарқандавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш давлат ташкилоти тизимидаги бўлиналар, «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси томонидан мувофиқлаштирилаётган йўл қурилиши билан шугулланаётган айрим ташкилотлар белгиланган шартномавий мажбуриятларни бажармаётганлиги аниқланди.

ларда амалга оширилган таъмирлаш ишларида жиддий нуқсонларга йўл қўйилгани аниқланди. Мисол учун: Самарқанд халқаро давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослашган давлат корхонаси томонидан Самарқанд шаҳридаги «Ойдин» кўчасини таъмирлаш ишлари сифатсиз бажарилган.

Самарқанд туман йўллардан фойдаланиш давлат корхонаси ходимлари эса «Самарқанд-Ашхобод» йўлининг 0,3-километрли қисмини ўрта таъмирлашда битум билан ишлов берилмаган асфальт-бетон қоринмасини

«Тошкент-Термиз» (М-39) автомобиль йўлидан Самарқанд шаҳрига киришдаги Дарғом канали устидаги кўприкда 2009 йили 311,9 млн. сўмлик таъмирлаш ишлари режалаштирилгани ҳолда бу вазифа 55 фоиз бажарилган, холос. Мазкур объектда 2010 йил учун белгиланган 141,2 млн. сўмлик режа эса амалда бажарилмаган. «Булунгур-Кулбости-Челак» йўлидаги кўприкда ҳам таъмирлаш ишлари чала қолдирилган.

Олинган маълумотлар ва ўрганиш натижалари бўйича О'зLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан халқ депутатлари вилоят кенгашининг сакки-



Мангуликка дахлдор шоир

МАМЛАКАТИМИЗДА АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 570 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

Назokat УСМОНОВА,
ЎзА

Миллий адабиётимизнинг равақ топишида, халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавияти, диди ва дунёқарашини юксалтиришда буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий асарларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Она тилимизнинг кенг имкониятларини бутун дунёга тараннум этган Навоий ижодида улугланган инсонпарварлик, эзгулик, саховат, меҳр-мурувват, тинчликсеварлик каби ўлмас ғоялар бутун жамятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Шу кунларда бобокалонимиз таваллудининг 570 йиллиги маънавият, адабиёт, шеърят байрами сифатида кенг нишонланаётган. Таълим муассасалари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда Алишер Навоий ижодида бағишланган адабий-бадиий кечалар, учрашувлар ўтказилаётган.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан бундан йигирма йил муқаддам пойтахтимизда Алишер Навоий номи билан юритилувчи миллий боғ барпо этилди ва улуг шоирнинг салобатли ҳайкали қад ростлади. Мазкур муаззам боғ ёшлар, пойтахтимиз меҳмонлари ва хорижий сайёҳлар билан ҳаммаши гавжум. Энди онла қураётган келин-куёвларнинг улуг мутафаккир бобомиз ҳайкали пойига гул қўйиши ҳам юртдошларимизнинг у зотга бўлган эҳтироми ифодасидир.

Президентимиз ташаббуси билан 1991 йил юртимизда Алишер Навоий йили, деб номланди.

Азанага кўра бу йил ҳам 9 февраль куни ушбу сўлим боғда эрта тонгданоқ Алишер Навоий ғазаллари билан айтилган куй-қўшиқлар янгради. Бу ерга улуг шоир таваллудининг 570 йиллиги муносабати билан шоирлар, ёзувчилар маданият намояндалари, адабиётшунослар, маънавият тарғиботчилари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатасининг депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, талаба-ёшлар йиғилди.

Ўзбекистон Қарамоғи, халқ шоири Абдулла Орипов, навоийшунос олимпиа Суйима Ғаниева истиклол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Алишер Навоий меросини миллий, тарихий, маънавий қадриятларимизни тиклаш, адабий-бадиий ва тарбиявий аҳамиятини намоен этиш жиҳатидан пухта ўрганиш ва талқин этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу жараёнда

улуг бобомиз тараннум этган эзгу ғоялар мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёшлар қалбига чуқур сингдиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Миллий ўзликни англаш, халқимиз маънавиятини юксалтириш, жамятимизда бағрикенглик, аҳиллик, ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлашда, энг муҳими, ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб воғга етказишда бу катта аҳамият касб этмоқда.

Истиклол йилларида Алишер Навоий асарларининг йигирма жилли мукамал тўплами чоп этилди. Ушбу академик нашр Навоийнинг барча асарларини батафсил шарҳлар ва изоҳлар билан китобхонларга етказишга кизмат қилмоқда. Шоир ижодини фундаментал ва амалий тадқиқотларда атрофлича ўрганиш билан бирга, унинг ҳаёти, давлат арбоби сифатидаги фаолияти, фалсафий, илмий-маърифий қарашларини акс эттирувчи кўплаб асарлар нашр этилди ва бу хайрли иш изчил давом этмоқда.

Бугун Алишер Навоий асарлари дунёнинг кўплаб мамлакатларида таржима қилинмоқда, катта қизиқиш билан ўрганилаётган. Буларнинг барчаси шоир даҳосига жаҳон аҳлининг юксак эҳтироми, миллий маънавий меросимизнинг кенг эътирофидир. Тадбирда академик Н.Конраднинг Алишер Навоий ҳақидаги фикрлари ўқиб эшитилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раёно Ярашев шоир асарларидан намуналар ўқиди. «Нихол» мукофоти совриндори Илёс Арабов Навоий ғазаллари билан айтувчи мумтоз қўшиқлардан намуналар ижро этди.

Маросим иштирокчилари Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари А.Арипов иштирок этди.

Шу куни пойтахтимиздаги Шоирлар хибонада Алишер Навоий ижодида бағишланган мушоира бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон халқ шоири, ёзувчилар уюмчаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид, навоийшунос олим Азиз Қаюмов буюк шоир улугулаган эзгу ғоялар ёшлар тарбияси, маънавияти ва камолотида муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Алишер Навоийнинг ижодий меросига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар, навоийхонлик кечалари, мушоиралар, илмий анжуманлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда давом этмоқда.

Ишлаб чиқариш

Фирма фаолиятини кенгайтирди

Аксор ИСТАМОВ,
«XXI ASR»

Бухоро вилоятининг Олот туманида фаолият кўрсатаётган «Улгуржи савдо» ишлаб чиқариш фирмаси хориждан техника воситалари, трактор ва агрегатлар, трансформаторлар ва насос станциялари учун эҳтиёт қисмлар, бутловчи деталлар етказиб бериш билан шугулланади. Яқинда фирма ўз фаолиятини янги йўналиш билан кенгайтирди. «Турон» банкдан олинган 50 миллион сўм миқдоридagi кредит эвазига Россиядан макарон ишлаб чиқарувчи минитехнология келтирилди. Шу тариқа 7 та қўшимча иш ўрни яратилди. Ҳозир макарон ишлаб чиқариш цехида бир соатда 150 килограмм сифатли маҳсулот тайёрланмоқда. «Мацца» ёрлиги билан савдо шохобчаларига етказиб берилаётган макаронга талаб катталиги унинг сифатидан далолат беради.

Тадбиркорлик

ССП аъзолари ютқазмаяптилар

2010 йилда 20 мингдан зиёд корхона-ташкилотларни бирлаштириб турган ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН РЕСПУБЛИКАМИЗГА 112 ТА ХОРИЖИЙ БИЗНЕС-ДЕЛЕГАЦИЯ ТАШРИФ БУЮРДИ

Учрашувлар чоғида 3400 нафар ишбилармон юртдошларимиз чет эллик тадбиркорлар билан ўзаро алоқа ўрнатиш имкониятига эга бўлганларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

— Савдо-саноат палатасининг асосий вазифаси мамлакатимизда фаолият олиб борувчи минглаб тадбиркору ишбилармонларни қўллаб-қувватлашдан иборат, — дейди ССП бўлими бошлиғи Даврон Аҳматов. — Палата сайё-ҳаракати билан ўтган йилнинг ўзида кредит олиш, ташқи иқтисодий фаолиятни юритиш масалаларига доир ҳуқуқий меъёрлар, солиқ ва божхона борасидаги қонун ҳужжатлари моҳиятини очиб бериш, шунингдек, инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган семинар-тренингларда 15943 нафар тадбиркорга сертификатлар топширилди. 145 нафар маҳаллий мутахассис эса амалиёт ўташ учун Германия, Жанубий Корея, Латвия, Венгрия ва Италияга юборилди. 133 та корхонага 11,07 млн. АҚШ доллари миқдоридagi минитехнология ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича йўл-йўриқлар кўрсатилган бўлса, 347 та хўжалик юритувчи субъектга 29 та бизнес-инкубатор томонидан тегишли тизим асосида ёрдам кўрсатилди.



Бундан ташқари, 130 нафар ҳамюртимизга Франция, Германия, Жанубий Корея, Туркия, Хитой, Қатар, Чехия, АҚШ, Италия ва Озарбойжонда бўлиб ўтган 43 та халқаро кўргазмада қатнашиш ҳамда у ерда ўз хизматлари ва маҳсулотлари тақдимотини ўтказиш учун шарт-шароит яратиб берилди. Бельгия, Монголия, Греция, Иордания каби давлат вакиллари билан эса 14 та келишув ва меморандумлар имзоланди. Ўз навбати

да ўтган йили юртимизда бевосита ССП томонидан 38 та (шунингдек, бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда 51 та) кўргазма ўтказилиб, уларга тахминан 45000 киши ташриф буюрди. Бу эса маҳаллий корхоналарга 99,6 млн. АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотни экспорт қилиш имконини яратди.

Шу ўринда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси чет эл инвестицияларини жалб этишга алоҳида эътибор

қаратаётганини таъкидлаш лозим. Хусусан, 2010 йилда айнан ЖСП ташаббуси билан чет эл компаниялари маблағи иштирокида умумий низом жамғармаси 30,6 млн. АҚШ долларидан (шундан 28,1 млн. доллари хорижий компанияларга тегишли) иборат жами 29 та, жумладан, 15 та қўшма ва 14 та хорижий корхона ташкил этилганини айтиш жоиз.

Шухрат ХУЖАЕВ
тайёрлади.

Транспорт

«Тошкент-Денов» йўналиши ишга тушди



«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК 2011 йил 3 февралдан мамлакатимиз пойтахти ҳамда Сурхондарё вилоятининг йirik аҳоли пунктларидан бири — Денов шаҳарлари боғлайдиган поезд ҳаётини бошлади.

«Ўзтемирйўл» ДТК ОАЖ матбуот хизматида хабар қилинишича, 680/679 рақамда янги йўналиш поезда Тошкентдан ҳафтанинг тоқ кунлари соат 21.00 да жўнайд. Деновдан эса юфт кунлари соат 15.40 да йўлга чиқад.

FUND FORUM. UZ
Тадбиркорлик ва интеллектуал салоҳият

Ф.ХОЛМИРЗАЕВ,
УзА

Қарши шаҳрида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ўтказилаётган ёшлар анжуманида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 200 нафар йигит-қиз иштирок этмоқда. Эл-юрт фаровонлиги, жамият тараққиёти ҳар томонлама соғлом, интеллектуал салоҳияти юксак, тадбиркор ва изланувчан ёшларга боғлиқ. Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлод манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган илҳомдор ишлар самарасида ана шундай ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Йигит-қизларимизнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари, мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилувчи ўз лойиҳа ва гояларини амалга оширишлари учун барча имкониятлар яратиб берилаётган.

— Вилоятимизда ўтказилаётган мазкур ёшлар анжумани "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази томонидан амалга оширилаётган кенг қамровли лойиҳалардан биридир, — дейди "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази вилоят бўлими раҳбари Дилшод Бегматов. — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишланган ушбу форумда "Ёш тадбиркорлар" мактаби, "Дилемма" баҳс-мунозара клуби, ахборот-технологиялари гуруҳлари ҳамда "Келажакпресс" лойиҳаси аъзолари қатнашмоқдалар. Иштирокчиларнинг 30 нафардан ортигини вилоятимиз вакиллари ташкил этади. Форум доирасида Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида, Қарши банк коллежи ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиалида малакали мутахассислар томонидан ўқув машғулотлари олиб борилади.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан ёшларнинг тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантириш мақсадида 2008 йили "Ёш тадбиркорлар" мактаби ташкил этилган эди. Утган қисқа вақт мобайнида унда тадбиркорлик кўникмаларини эгаллаган йигит-қизларнинг аксарияти ўз бизнесини йўлга қўйишга муваффақ бўлди.

"Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази қошида ташкил этилган "Дилемма" баҳс-мунозара клуби эса ёшларни ҳаётини масалалар бўйича эркин фикр алмашини, муаммоларнинг ечимини топишга ўргатмоқда. Ўқув машғулотлари давомида ўз салоҳиятини намойиш этган ёшлар ва энг яхши лойиҳалар муаллифлари форумнинг якуний тадбирида муносиб рағбатлантирилади.

Банк хизмати

Синалган ҳамкор

"КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ"ДА "АГРОБАНК"НИНГ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ЎРТА ҚАТЛАМ ВАКИЛЛАРИГА 27 МЛРД. 400 МЛН. СЎМ МИҚДОРИДА КРЕДИТ БЕРИШНИ РЕЖАЛАШТИРДИ

Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI ASR»



Қаҳқатан ҳам 52 та миңбанки билан миқозларга хизмат кўрсатаётган банк жамоасининг хусусий тадбиркорларга ажратаётган маблағлари миқдори йил сайин кўпайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Маълумотларга кўра, утган йили бу соҳага 19 млрд. 991 млн. сўм сарфланган. Жумладан, банкнинг Бешкент филиали миқозли "Ўбайдуллаев Достон Шокирович" фермер хўжалигига ун маҳсулотларини қайта ишловчи ускуна харид қилиш учун 91 млн. 442 миң сўм миқдоридида кредит ажратилган.

Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан эса жами 953,7 млн. сўм кредит берилиб, 1020 та янги иш ўрни яратилди.

Маълумки, Қашқадарё мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги ривожланган вилоятларидан ҳисобланади. 2010 йилда "Агробанк"нинг вилоят бошқармаси Халқаро тараққиёт уюшмаси (ХТУ) иштирокида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, чорвачиликни ривожлантириш ҳамда техникалар харид қилишга мўлжалланган кўпгина лойиҳаларни молиялаштиришга эришти. Бунинг учун ХТУ томонидан жами 1 млрд. 880 млн. сўм миқдоридида маблағ йўналтирилди. Масалан, Чироқчи туманидаги "Бинокор-7" ишлаб чиқариш корхонасига ис-

ни қўллаб-қувватлашга сарфлади.

Бундан ташқари, "Агробанк" иқтисодий ночор корхоналарни тиклаш борасида ҳам молиявий таянч вазифасини ўтамоқда. Хусусан, Шахрисабзга "Ипак кўрти уруғи" заводи аукцион орқали "Кеш тонги" савдо-ишлаб чиқариш жамиятига сотилган эди. Корхона тўла қувват билан ишлаши учун банк томонидан 500 млн. сўм миқдоридида кредит ажратилди.

Шунингдек, 2010 йилда банк жамоаси пластик карточалар егаларини янада кўпайтириш, улар бўйича амалга оширилаётган хизматлар турини кенгайтириш ва яхшилаш, терми-

наллар инфратузилмасини мақбуллаштириш ишларида ҳам эътиборни қўйди. Жумладан, 2010 йилда бошқарма томонидан муомалага чиқарилган пластик карточалар сони 140000 миңдан зиёдни ташкил қилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 170000 миңга етказиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш шохбачаларга утган йили 1116 та терминал ўрнатилган бўлса, бу йил улар сони 2000 тага етказилади.

Аҳоли қўлидаги бўш маблағларни банк депозитларига жалб қилиш бўйича "Агробанк" томонидан олиб борилаётган ишлар

омонатчилар манфаатини қўллаб-қувватлашга қаратилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Омонатларнинг дахлизлиги ва давлат томонидан қафолатланганлиги эса миқозларнинг банкка бўлган ишончини янада оширмоқда. Шунинг учун ҳам бугун "Мустақиллик", "Истиқлол-2011", "Талаба", "Камолот" каби омонат турларини миқозлар кўпроқ танламоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, "Агробанк"нинг Қашқадарё вилоят бошқармаси нафақат қишлоқ хўжалиги, балки воҳода кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига ҳам муносиб ҳисса қўшаётир.



Андижонлик аёлларга ҳавас қилмоқдалар

ЮРТБОШИМИЗ РАҲНАМОЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОХОТЛАР ТУФАЙЛИ 2010 ЙИЛДА АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ 110,5 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТДИ

Илҳомжон Эгамназаров,
«XXI ASR»

Энг муҳими, ҳудудда фаолият олиб бораётган 17491 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари утган йилда ялпи ички маҳсулотнинг 54,7 фоизини ишлаб чиқардилар.

Бунда андижонлик тадбиркор ва фермер аёлларнинг фаолияти алоҳида тилга олинаётгани бежиз эмас. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг вилоят кенгашидан олинган маълумотларда 11394 нафар партия аъзосининг 3723 нафарини аёллар ташкил этаётгани, уларнинг 1372 нафари тадбиркор хотин-қизлардан иборат экани таъкидланади. Партия аъзоларидан 178 нафари фермер аёллар бўлиб, улар қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатмоқдалар. Партия аъзоси бўлган тадбиркорлар утган бир йил давомида 151 миллион 540 миң сўм кредит маблағлари олиб, ўз бизнесларини янада ривожлантиришди.

— Айни кунда 18200 нафар аёл тадбиркорлик билан шуғулланипти, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитасининг раиси Нигора Ёқубова. — Улар сони кейинги бир йилда 7 миң нафарга кўпайди. Бу ҳам бўлса, ўрта қатлам вакиллари бўлган эътибор билан-йилга ортаёпти самарасидир. Мана, яна бир мисол. Вилоят бўйича утган йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 166 млрд. сўм миқдоридида кредит ажратилган бўлса, тадбиркор хотин-қизларимиз 28 млрд. сўм миқдоридида кредит маблағларидан фойдаланиб, ўз бизнесларини ривожлантиришди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 2009 йилда атиги 9 млрд. сўмни ташкил этган эди.

Юрт ободлиги, Ватан тараққиётига ҳисса қўйиш ҳар бир андижонлик аёлнинг орзуси бугун. Андижон шаҳридаги "Чулпон 100 йиллиги" маҳалласида яшовчи Дилоромхон Ашурова яқиндагина тадбиркорликка қўл урган эди. Бугун унинг тикувчилик цехида 30 та янги иш ўрни яратилди.

Пахтабод туманидаги "Ширин Лаззат инвест" МЧЖ раиси Ҳаётхон Раҳмонова эса "Йил аёли-2010" республика танлови гояли бўлди. У ташкил этган қанлолат цехи ва ўқув марказида 100 нафар орасиниқларимиз меҳнат қилмоқдалар. Жалақидуқ туманидан О'zLiDeP фаоли, хусусий тадбиркор Назира Мирзаева эса 25 миң турдаги трикотаж маҳсулотларини Россия ва Украинага экспорт қилапти.

Олтінқўл туманидаги "Олтин водий гуллини" фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Сисатхон Абдуллаева, "Кўҳна водий таҳарир" фермер хўжалиги етакчиси Умида Эгамова, Булоқбоши туманидаги "Ширмонбулоқ фаҳри" фермер хўжалиги раҳбари О'zLiDeПлан туман кенгашида деутат эъиб сайланган Муборак Исроиловлар раҳбарлик қилаётган хўжалиқлар-

да ҳар йили мул-қўл валла ва пахта етиштирилмоқда.

— Мен мустақиллик туфайли ер, мулк эгаси бўлдим. Мана, 19 йилдан буён фермер хўжалиги раҳбариман, — дейди Булоқбоши туманидаги "Маъмирхон ота" фермер хўжалиги раҳбари Тожибархон Қоракўзиёва. — Фермерлигим туфайли ҳам дунё кўрдим. Австралияга бориб, фермерлардан тажриба ўрганиб қайтдим. Давомида етиштирилаётган дон, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари халқимиз фаровонлигига, юртимиз ободлигига оз бўлса-да, ҳисса бўлиб қўшилаётганидан фахрланаман, албатта.

Шаҳрихон туманидаги "Гуллистон нури истиқбол" фермер хўжалиги раҳбари Одинахон Отахонова — пешқадим тадбиркорлардан бири. Оддий чеварликдан йирик мулкдорга айланган Одинахоннинг иш тажрибаси бугун вилоятта ёйилмоқда. Унинг хўжалигида чорвачилик илмий асосларда ташкил этилган.

— "Ўзэкспомарказ"да ўтказилган ярмаркадан 20 миң еврога учта замонавий ситир соғиб аппарати сотиб олгандик, — дейди Одинахон. — Ана шу қурилмалар ёрдамида 270 бош ситир соғиб олинапти. Бугун фаолиятимизни янада ривожлантириш учун "Алоқабанк"дан 360 млн. сўм миқдоридида имтиёзли кредит олиб, насли ситирлар сотиб оляпти.

Ҳа, қаҳқатан ҳам Андижон вилоятида хотин-қизлар фаолияти тез ривожланибди. Шу ўринда утган йили манзилли дастур асосида хотин-қизлар учун 40375 та янги иш ўрни яратилганини таъкидлаш жоиз. Корхоналари эса аёллар учун 3174 та касаначилик иш ўринлари яратилди. Шунингдек, иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан утган йили 105 млн. сўм ажратилиб, 66 нафар опа-синглимиз иш билан таъминланди.

— Биз дастлаб 50 нафар аъзо билан иш бошлаган эдик, бугунга келиб эса улар сони 500 нафарга етди, — дейди "Тадбиркор аёл" уюшмаси раиси Вазираҳон Раҳмонова. — Кейинги 2 йилда уюшма аъзолари турли йўналишларда кредитлар олиш учун 215 та сертификат олдидлар. Натижанда "Микрокредитбанк", "Агробанк", "Халқ банки" томонидан иктомий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди орқали 300 миллион сўмдан ортиқ кредитлар берилди.

Донишмандларимиздан бири "Тадбиркор бўлса гар аёл, қўлидаги игнаси ўқ-ёй мисол" деб таърифлаганда бугунги ишбилармон, эл-юрт ривожига ҳисса қўлиш ниятини дилига жо қилган гайратли, шижоатли аёлларни назарда тутган бўлса, ажабмас. Ўзбекистонда, хусусан, водийнинг энг жадал ривожланаётган Андижон тадбиркорлига яратилаётган имкониятлар туфайли ҳам хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолияти тобора юқори натижаларга айланмоқда. Шубҳа йўқки, ҳали уларнинг парвозлари бунданда юксак бўлажак.

Бош мезон — миқоз манфаати



БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ЯНГИ КОРХОНАЛАРГА РЕАЛ ЁРДАМ БЕРИШ БАНКЛАРНИНГ БИРЛАМЧИ ВАЗИФАСИ, АЛБАТТА. ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»НИНГ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ҲАМ АНА ШУНДАЙ ТАЛАБЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, ЎЗ ФАОЛИЯТ ДОИРАСИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛМОҚДА

Муҳаббат РАВШАНОВА,
«XXI ASR»

Айни кунда бир қатор муассасалар, жумладан, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги корхона ва ташкилотларга хизмат қилаётган банк миқозлари кундан-кунга ортиб бормоқда. Утган бир йил давомида улар сони 33 тага кўпайиб, айни кунда 400 дан зиёдрокни ташкил қилмоқда. Уларнинг 269 нафари юридик шахслар, 136 нафари эса яққа тартибдаги тадбиркорлардир.

Утган йилда мазкур молия муассасаси томонидан халқ хўжалигининг турли тармоқларига ажратилган кредитлар қолдиғи 9267,2 млн. сўмни ташкил этиб, 2009 йилга нисбатан 159 фоиз ошган. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида вилоят ҳудудида 300 га яқин янги иш ўрни яратилди.

Утган йилда юридик ва жисмоний шахслар учун 13 млрд. 694 млн. сўм миқдоридида кредит йўналтирилди. Бу 2009 йилга қиёслаганда, 10 млрд. 958,1 млн. сўмга кўпдир. Жумладан, озиқ-овқат тармоқларига ажратилган 1 млрд. 19 млн. сўм миқдоридида сармоя ҳисобидан 22 киши иш билан таъминланди. Нооziқ-овқат истеъ-

мол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга йўналтирилган 2900,4 млн. сўм миқдоридидаги кредит ҳисобидан 34 та янги иш ўрни яратилди.

Чунончи, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 31 нафар хотин-қизга 415,6 млн. сўм миқдоридида кредит маблағлари берилди. Касаначилик, жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни кенгайтириш учун йўналтирилган 342 млн. сўм сармоя ҳисобидан 35 нафар хотин-қиз доимий иш жойига эга бўлди. Самарқанд туманидаги «Оригинал Макс Люкс» фермер хўжалиги банкнинг доимий миқозларидан бири бўлиб, утган йили ушбу жамоага Украинанинг «Техна» ишлаб чиқариш бирилшмасидан паррандаларни сақлаш ва парвариш-лашга мўлжалланган замонавий ускуналар харид қилишга 850 млн. сўм миқдоридида кредит ажратилди.

Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш, миқозларга кўрсатилаётган хизмат маданиятини ошириш ҳам муҳим масалалардан биридир. Жорий йилда омонатчилар сони 225 тага кўпайиб, утган йилнинг шу лавридагига нисбатан 41 тага ошди. Бунинг натижасида утган

йили омонатлар қолдиғи 2365,70 млн. сўмга етди. Жалб этилган омонатлар 477,64 млн. сўмга ёхуд 25,3 фоизга ошгани ҳам эътиборга моликдир. Ҳозирги кунда банк муассасасида яна бир неча янги омонат турлари ташкил этилган. Юқори фоизли «Мовий квадрат», «Кредит плюс», «Ҳамён» номили омонат турлари шулар жумласидандир.

Хизмат соҳасида пластик карточка тизими кенг оммалашмоқда. Чунончи, утган йилда пластик карточалардан фойдаланувчилар сони 7181 нафарни ташкил этиб, 2009 йилга нисбатан 148 фоиз кўпайган. Савдо шохбачалари, умумий овқатланиш корхоналари ҳамда коммунал тўловлар қабул қилинаётган шохбачаларда жами 50 та терминал ўрнатилган бўлиб, йил давомида ўтказилган трансакциялар суммаси 6139 млн. сўмни ташкил этган.

Юқоридида тилга олиб ўтилган Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги корхоналар ўз фаолият доирасини йил сайин кенгайтирмоқда. Шулардан бири — «УЗИ Самарқанд» филиали учун Хитойдан «Huawei Technologies, CO LTD» русумидидаги рақамли



станция ускуналари сотиб олиш мақсадида 500 млн. сўм миқдоридида маблағ ажратилган эди. Айни кунда ушбу янги техникалар Самарқанд шаҳар аҳолисига замонавий телефон хизмати кўрсатиш ва унинг сифатини ошириш имконини бермоқда.

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ушбу йўналишдаги ишларни изчил давом эттириш, миқозлар учун ажратилаётган кредитлар миқдорини 3,5 баробарга ошириш


режалаштириляётир. Банк биносидида алоҳида «Тадбиркорлар хонаси» ташкил этилди. Бу ерда ишбилармонлар Президентимиз фармонлари ва қарорлари, тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш тартиблари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, омонат турлари, банк фаолиятига оид муҳим маълумотлар билан танишиш, шунингдек, турли ўқув қўлланмалари, телефон ҳамда интернет хизматида фойдаланиш имкониятига эгадирлар.

Воқеалар, далиллар, шарҳлар



Тартибсизлик нефть нархини оширмоқда

Аввал хабар қилганимиздек, Мисрда бўлиб ўтаётган тартибсизликлар оқибатида жаҳон бозорларида нефтьнинг нархи кўтарилмоқда. Чоршанба кўни Лондонда ўтказилган савдолар ахсинга кўра бир баррел нефтьнинг нархи 102 доллардан охиб кетди. Нью-Йорк биржасида эса қора олтиннинг бир баррели 90,8 долларни ташкил этди. Экспертларнинг сўзларига кўра, Миср инқирози бутун дунёдаги иқтисодий вазиятга, ҳатто Австралиядagi ёнилги нархларига ҳам жиддий таъсир қилиши мумкин.



Синов остонаси

БМТ ҲУЗУРИДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТИ ЕТТИ ОЙДАН БЕРИ МУТТАСИЛ ОШИБ БОРАЁТГАН НАРХ-НАВО ЯНВАРДА 231 ПУНКТНИ ЗАБТ ЭТГАННИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ

Файзулло
АБДУЛБОКИЕВ

Дарҳақиқат, таҳлилчилар 2010 йилнинг ўзигагина дунёда озиқ-овқат нархи 25 фоиз қимматлашганини, бу 2007-2008 йиллардаги ўсишдан бир неча баробар юқори эканини таъкидламоқдалар.

— Қизиғи шундаки, ҳатто бунга мутаносиб равишда ҳам ашё ҳам охиб бораётди. Бу эса нархларнинг табиий равишда кўтарилаётгани ва чайқовчиликка асосланмаганини аниқлатади. — дейди Standard Chartered банкининг бош иқтисодчиси Герард Лайонс.

Жаҳон Озиқ-овқат дастурининг ижрочи директори Жозетт Ширан эса об-ҳаво беқарорлиги оқибатида ҳам озиқ-овқат нархи охиб бораётганини таъкидлади. «Бу жаҳон учун жиддий синов», — деди Жозетт Ширан.

Ҳақиқатан ҳам ўтган йилги об-ҳаво ноқулайлиги дунёнинг асосий қишлоқ хўжалик минтақаларини яб ўтирмади. Аргентинадаги қурқоқчилик, Австралиядagi туфон ва сув тошқинлари, АҚШдаги

қаҳратон совуқ шулар жумласидандир. Натияжада Чикаго ва Париж биржаларида дон маҳсулотлари сўнгги 2,5 йил мобайнида кескин қимматлашди. Шакар ҳам ашёси эса жаҳон биржаларида охириги 30 йил мобайнида мисли кўрилмаган даражада кўтарилди. Биргина Лондон халқаро бозорига унинг тоннаси 835,7 АҚШ долларига сотилди.

Айрим қузатувчиларнинг фикрича, Яқин Шарқ ва Африка ни қароқчилик келтирган тақдирда ҳам маълум маънода нарх-навонинг охиб кетишига сабаб бўлган. Ваҳоланки, сиёсий инқироз озиқ-овқат инқирозига олиб келиши аниқ муҳолиф сиёсатдонлар унутиб қўйишган кўринади. Авваллари озиқ-овқат танглигини алоҳида олинган мамлакатда чегараларни ёпиб ҳам ҳал қилса бўларди, бироқ қузатувчиларнинг фикрича, бугунги глобаллашув шароитида бунга амалга ошириш мураккаблашиб бораётди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейин озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг кескин ортаётгани ва тармоқда ҳам танглик ке-

либ чиқиши борасидаги баёнотлар сайёрамизнинг турли худудларида ҳар хил хавотирларни келтириб чиқара бошлаганини, шўрланиш, чўлланниш ва бошқа бир қатор омиллар ерларни ўлик чўллarga айлантирибгина қолмай, унинг ҳосилини ҳам йўққа чиқараётди. Шунинг учун халқаро ташкилотлар икки йил олдин содир бўлганидек, дон маҳсулотлари нархи осмонга сапчиши борасида ваҳимали баёнотларни тарқатмоқдалар.

— Дарҳақиқат, бугунги вазият мураккаб. Ҳеч ким бу «табиий галаён» қачонгача давом этишини билмайди, — дейишмоқда халқаро ташкилотларнинг экспертлари.

Хуллас, гуруч, буғдой ва маккажўхори нархларининг ўсиш динамикаси БМТ экспертларининг тахминлари бўйича қутилганидан ҳам хавотирлидир. Яъни нархлар ўсиб боравериши баробарида маҳсулотларга бўлган талаб етиштирилган ҳосилдан кўра охиб кетаверади. Энг ёмони, дон захиралари, айниқса, буғдой ва гуруч ҳосили сўнгги 10 йилдан бери энг паст даражада бўлган. Воқеликни чуқур

ўрганган дунё иқтисодчилари остонамизда хавф солиб турган жаҳон озиқ-овқат инқирозига сабаб бўлаётган бир неча омилни тилга оляптилар. Улар орасида иқтисодий ва экологик сабаблар алоҳида ўрин эгаллайди. Хусусан, кейинги 50 йилдан бери қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми ўсгани ҳолда агробизнес услубларининг ўзгармай қилиши нафақат майда фермерларга, балки атроф-муҳит ва экологик барқарорликка ҳам мисли кўрилмаган даражада зарба берган. Айни пайтда қишлоқ хўжалигининг келажаги иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларнинг қай даражада ҳал этилишига боғлиқлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Айниқса, охириги 40 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда антропоген технологияларнинг қўлланилиши оқибатида (аҳоли сони 2 миллиард кўпайди) сайёрамиздаги унумдор ерларнинг учдан бир қисми яроқсиз аҳволга келиб қолди.

Шунинг учун ҳам аграр соҳани ислоҳ қилиш, уни замонавий, зарарсиз технологиялар билан таъминлаш барча мамлакатлар олдида турган энг долзарб вазифалардан бирига айланган, десақ, хато бўлмайди. Чунки Ер юзи аҳолиси сони кун сайин охиб бораётди. Айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунёнинг деярли барча мамлакатларида «демографик портлаш» кузатилапти. Масалан, 1945 йилда Ер юзи аҳолиси сони 2,5 млрд.ни ташкил этган бўлса, 2007 йилга келиб бу рақам 6,4 млрд.дан охиб кетди. Яъни сайёра аҳолиси сони 60 йилда 3,5 млрд.га ўсди.

2000-2050 йилларга мўлжалланган тахминларга кўра, аҳоли сони ярим асрда асосан Осиё, Африка ва Лотин Америкаси ҳисобига 1,4 маротаба кўпаяди. Бу ўз-ўзидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари унумдорлигини замонавий технологиялар асосида оширишни, аграр тизимда банд бўлган деҳқон ва фермерлар сонини камайтиришни талаб этади. Шу нуқтага назардан ХВЖ, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар Осиё ва Африка мамлакатларида озиқ-овқат етишмовчилигига қишлоқ хўжалиги тизимининг эскиргани сабаб бўлмоқда, деган хулосага келилди.

Бир сўз билан айтганда, жаҳон ҳамжамияти яна бир жиддий синов остонасида турибди. Бу, албатта, инсониятни ягона хулосага, аввало, табиат, сув, ноз-неъматлар қадрига етиш, унинг ёзилмаган қонунларига зид тарзда иш юритмасликка, экологияга риоя этишга, халқаро муносабатларда эса адолатли, ўзаро манфаатларга асосланган сиёсат юритишга чорламоқда.




Венгрия ОАВда цензура

Венгрия ҳукумати Еврокомиссия билан муҳокамадан сўнг Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунга ўзгартириш киритишга қарор қилган. 2011 йилнинг январь ойидан кучга кирган қонунга кўра мамлакат ОАВ тўлиқ ҳукумат назорати остида бўлади. Мазкур қонун Европа Иттифоқи мамлакатларида катта эътирозларга сабаб бўлмоқда. Сўз эркинлигини назорат қилиш ФИДЕС партиясининг 5 нафар вакилларида ташкил топган кенгашга ишониб топширилган.

Кенгаш сиёсий жиҳатдан беқарор ва ҳақорат қилувчи мазмунга эга мақолаларни чоп этган таҳририятларни катта миқдорда жарима билан жазолаш ҳуқуқига эга экани хабар қилинмоқда. Ҳукумат бошлиғи ва ФИДЕС етакчиси Виктор Орбан ушбу қонунни суистеъмол қилмаслигини таъкидлаб, Европа Иттифоқи томонидан айтилган айрим танқидларни инобатда олишни айтган.

Буш Швейцарияга бормайди



АҚШнинг собиқ президенти Жорж Бушнинг Швейцария давлатига ташири бекор қилинди. Буш Исроилийн «Керен ха-Иесод» хайрия фонди томонидан ташкиллаштирилган акцияда иштирок этиши керак эди. Reuters агентлиги хабар беришича, таширининг бекор қилинишига расмий сабаб сифатида хавфсизлик масаласи кўрсатилмоқда. Яъни собиқ президент Швейцарияда уни ҳибсга олишларида чўчимоқда. Маълумотларга кўра, иснос ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи бир неча ташкилот Швейцария судига Бушни Гуантанамодаги жиноятларини фош этувчи 2500 бетдан иборат айбловни тақдим этиши керак. Бундан ташқари, улар ўз тарафдорлари билан биргаликда Бушни норозилик акцияси орқали кутиб олишни мўлжаллашаётган. «Керен ха-Иесод» вакиллари эса оммавий тартибсизликлар юзга келишининг олдини олиш мақсадида таширини бекор қилишганини таъкидлашган.

Эслатиб ўтамиз: бундан аввал Буш терроризмда айбланаётган шахсларни Гуантанамода жиддий сиқувга олганини эътироф этган. Ўз мемуарларида у мазкур йўл билан олинган маълумотлар туфайли 2001 йил 11 сентябрдаги терактни қайта содир этилишининг олди олинганини айтган. Ҳуқуқ ҳимоячилари эса юқоридаги ҳолатлар БМТ Конвенцияси ҳамда кўплаб мамлакатларнинг қонунарига зид эканини таъкидлашмоқда.

Саркози ва Меркелнинг таклифи

Германия ва Франция евроҳудуд аъзоларига Европа давлатларини конвергенция қилишнинг янги дастурини тақдим этишди. Унда таъкидланишича, дастур март ойида бўлиб ўтиши кутилаётган Европа валюта етакчилигининг махсус саммитида кўриб чиқилади. Дастурда, хусусан, турли мамлакатларнинг иқтисодий ўсишини ҳамда рақобатбардорлигини барқарорлаштириладиган пакт ишлаб чиқиш йўли илгари сурилган. Саммитнинг тахминий санаси 4 март қилиб белгиланган. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтган жонки, сўнгги икки йилда евроҳудуд жиддий иқтисодий қийинчиликларга дуч келди. Натияжада Германия ва Франция каби иқтисодий жиҳатдан кучли мамлакатлар орта қолаётган қитъадошларига ёрдам беришга мажбур бўлишмоқда. Кўпчилик мутахассислар ҳатто яқин йилларда евроҳудуд ўз аъзоларидан бирини йўқотиши мумкинлигини тахмин қилишган.



Покистон ядроси олдинда

Ҳиндистондан ўзиб кетишга эришган Покистон кейинги бир неча йил ичида ўз ядровий захирасини икки баробардан кўпроқ оширди. Хабарларга қараганда, Исломободда 100 дан ортиқ ядровий жанговар зарядлар жойлаштирилган. Бу ҳақда Америка олимлари федерациясининг ядровий ахборот дастури директори Ханс Кристенсен «Будлетин оф атомик сайентистс» журналига маълум қилган. Шунингдек, ушбу наградан Покистон АҚШнинг парчаланмаган материалларни ишлаб чиқаришни ман этиш ҳақидаги шартномани тайёрлашга тўсқинлик қилаётган ягона давлат бўлиб тургани ҳақидаги маълумотлар ҳам жой олган.

Ақбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.

→ «Осиё кубоги-2011»да қайд этилган ижобий натижалардан сўнг Шавкат Муллажонов («Ал Аҳли», Катар), Темур Қападзе («Инчхон Юнайтед», Жанубий Корея) ҳамда Анзур Исмоилов («Чанчун Ятай», Хитой) сингари футболчиларимиз ҳам хорижий жамоаларда тўп суриш имкониятини қўлга киритди. Термаиз сардори Сервер Жепаров эса «Сеул» клуби билан имзоланган шартномани яна уч йилга узайтирди.

Ифтихор

Жасорат Ватанни севишдан бошланади

ЮРТ ҲИМОЯСИ ВА ТИНЧЛИГИНИ ЎЗ ҲАЁТИ МАЗМУНИГА АЙЛАНТИРГАН, МАҲОРАТ ВА МАТОНАТ БОРАСИДА САФДОШЛАРИГА ЎРНАК БЎЛАЁТГАН Ўғлон Президентимиз ФАРМОНИГА КўРА ЮКСАК ДАВЛАТ МУКОФОТИ — «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН ТАКДИРЛАНДИ



Офицерлик фаолиятини бошлаганимга етти йил тўлди. Шу қисқа вақт ичида кўп нарсани ўргандим. Миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган кўп йиллик тажриба ва малакага эга офицерлар ёрдамида билим ҳамда кўникмаларимни бойитдим. Юртимизда ҳарбий соҳада олиб борилаётган ислохотлар ва ҳарбийларга кўрсатилаётган юксак эътибор эса мени янада садоқат билан хизмат қилишга ундайди.

деса муболага бўлмайди. Чунки юксак интеллектуал салоҳиятга эга ёш офицер бир неча бор мураккаб шартларда масъулиятни зиммасига олиб, тўғри ва оқилона қарор қабул қилиб, ҳарбий илмини мукамал ўзлаштиргангани намойиш этиб улгурган. Энг муҳими, у биланларини бошқалар билан бўлишиб, ёш ҳарбий хизматчиларга баҳоли қудрат кўмаклашиб келади. Қўл остидигиларга доим намуна бўлиши кераклигини яхши англайди.

Жамшид НИЗОВ

Неъматжон Абдусофоев Тошкент олий умумқўшун қўмондонлик билим юртида таҳсил олган йилларини бугун ширин энтикиш билан эслайди. Курсантлик даврида кўп билан ўзлаштирилган билим уни юксакларга олиб чиқиши мумкинлигини англади. Ёш офицер қисқа вақт ичида ўз гуруҳида тартиб-интизомни янада мустаҳкамлашга, ҳарбий хизматчиларнинг соҳа сирларини пухта ўзлаштиришга эришди. Қолаверса, унинг гуруҳи илк мавсумдаёқ жанговар тайёргарлик бўйича юқори натижаларни қўлга киритиб, барчани ҳайратга солди. Шу тариқа юқори қўмондонлик эътибори ва ишончини қозонган Неъматжон-

дири сифатида мустақил фаолият бошлаган пайтларда билим юртида мардлик ва матонатдан сабоқ берган устозлари ўғитишга суянди. Айнан курсантлик даврида кўп билан ўзлаштирилган билим уни юксакларга олиб чиқиши мумкинлигини англади. Ёш офицер қисқа вақт ичида ўз гуруҳида тартиб-интизомни янада мустаҳкамлашга, ҳарбий хизматчиларнинг соҳа сирларини пухта ўзлаштиришга эришди. Қолаверса, унинг гуруҳи илк мавсумдаёқ жанговар тайёргарлик бўйича юқори натижаларни қўлга киритиб, барчани ҳайратга солди. Шу тариқа юқори қўмондонлик эътибори ва ишончини қозонган Неъматжон-


га масъулиятли вазифалар топширила бошлади. — Офицерлик фаолиятини бошлаганимга етти йил тўлди. Шу қисқа вақт ичида кўп нарсани ўргандим. Миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган кўп йиллик тажриба ва малакага эга офицерлар ёрдамида билим ҳамда кўникмаларимни бойитдим. Юртимизда ҳарбий соҳада олиб борилаётган ислохотлар ва ҳарбийларга кўрсатилаётган юксак эътибор эса мени янада садоқат билан хизмат қилишга ундайди.

Футбол

Одил «Анжи»ни танлади

ДОҲА ЯШИЛ МАЙДОНЛАРИДАГИ ОСИЁ КУБОГИДА АЖОЙИБ ЎЙИН КўРСАТИБ, ЖАҲОН ФУТБОЛИ МУТАСАДДИЛАРИ ЭЪТИБОРИНИ ЖАЛБ ЭТА ОЛГАН ҲАМЮРТИМИЗ ОДИЛ АҲМЕДОВ ЯНГИ МАВСУМДАН ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ РОССИЯ ПРЕМЬЕР-ЛИГАСИ ЖАМОАСИ — «АНЖИ» (МАХАЧҚАЛЪА) КЛУБИДА ДАВОМ ЭТТИРАДИГАН БЎЛДИ

Аслида «Пахтакор» сардорининг хорижий клублардан бирига ўтиши ҳақидаги гап-сўзлар қўлга биринчиликдан аввал тарқалганди. «Қатар-2011» мусобақасини очиб берган ўйиндаги бетақдор гол, австралияликларга қарши ўтказилган учрашувда намойиш этилган ўзига хос ҳаракатлар бу жараёнинг тезлашишига замин яратди. Ўз навбатида ОАВда кўта чемпионати тугамасиданоқ «Пахтакор» раҳбарини номига араб футболнинг «Ал Иттиҳод», «Ал Шабаб», «Ал Фараф», Фарбий Европанинг «Болтон» (Англия), «Монако» (Франция), «Малага» (Испания), шунингдек, Россия, Туркия ва Украина жамоаларидан турли таклифлар ёнида бошлагани борасидаги хабарлар чоп этилди. Қуни кеча эса «Пахтакор» футбол клуби мазкур миш-мишларга чек қўйди. Клуб расмий сайтдан хабар қилинишича, Одил Аҳмедов 2011 йилги мавсумни ижара асосида Россиянинг «Анжи» жамоасида ўтказди.




Нима бўлганда ҳам, Одиловнинг мазкур қарори футболнинг кўрсатиши муҳлисари томонидан тўлиқ маъқулланган бўлса, ажабмас. Зеро, ўзбек футболнинг ифтихорига айланаётган 23 яшар йилит қатта пул ваъда қилаётган Осиё «гранд»лари ёки «заҳира ўриниди»дан жой ажратишга шайланган номдор Европа клублари билан эмас, балки «Анжи»нинг асосий таркибидан тўп суришни афзал деб билди.

— Янги жамоада номдор рақибларга қарши курашда ўз

кучини синов қўриш имкониятига эга бўлишимдан хурсандман, — деди клуб маъбуот хизматида интервью берган Одил Аҳмедов. — Муҳлисар ишончини оқлашга ва ўз уйиним билан ўзбек футболни шайини муносиб ҳимоя қилишга ҳаракат қиламан. Шу ўринда «Осиё кубоги-2011»да қайд этилган ижобий натижалардан сўнг ОАҳмедовдан

ташқари Шавкат Муллажонов («Ал Аҳли», Катар), Темур Қападзе («Инчхон Юнайтед», Жанубий Корея) ҳамда Анзур Исмоилов («Чанчун Ятай», Хитой) сингари футболчиларимиз хорижий жамоаларда тўп суриш имкониятини қўлга киритгани, термаиз сардори Сервер Жепаров эса «Сеул» клуби билан имзоланган шартномани яна уч йилга узайтирганини айтиб ўтиш жоиз.

Янгилик



«Nokia» дан янги кашфиёт

«Nokia» компанияси велосипедчиларга мўлжалланган мобил телефонни қувватлантириш мосламасини ишлаб чиқди. Телефон қувватлантиргич велосипеднинг руль қисмига ўрнатилиш учун мўлжалланган. Ускуна симли ва динамо-генератор қисмларидан иборат. Компания маълумот беришича, велосипедчилар ўз телефонларини соатига 6 дан 50 км. гача бўлган тезликда ҳаракатланиб қувватлантиришлари мумкин. Ушбу қўрилманинг Европа мамлакатларида нархи 30 евро деб баҳоламоқда. «Nokia DC-14» дея номланган мазкур ускунанинг тақдими 2010 йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган. Эслатиб ўтамиз: ушунда қувватлантиргич сотувга йил охиригача чиқиши ҳақида маълумот берилган бўлса-да, айрим техник сабабларга кўра жараён кечиктирилган.

XXI ASR

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

...обуна давом этмоқда

Дзюдо

79 давлат орасида — иккинчимиз!


Парижда бўлиб ўтган «Улкан тож» таснифига кирувчи халқаро турнирда иштирок этган дзюдочиларимиз битта олтин ва битта бронза медални қўлга киритган ҳолда умумжамоа ҳисобида мезбонлардан сўнг иккинчи ўринни эгалладилар.

Шухрат ХЎЖАЕВ, «XXI ASR»

Таъкидлаш жоиз: норасмий жаҳон чемпионати номини олган мусобақалда 79 та давлатдан ташриф буюрган дзюдочилар ўзаро куч синашдилар. Турнирнинг биринчи кунинда гиламга чиққан

бухоролик Ришод Собиров (60 кг.) финалга қадар швейцариялик Людовик Каммартин, америкалик Николас Коссор, япониялик Тора Шишима ва грузиялик Амирлан Папанишвилини енгган бўлса, ҳал қилувчи учрашувда арманистонлик Давтян Ховханнесни мағлуб этди. Натижада Ришод яна бир бора ўз йўна-

лишида жаҳонда тенгензликни исботлади. Ўз навбатида мусобақалда 90 кг. вазни полвонлар билан беллашган ҳамюртимиз Хуршид Набиев дастлабки учта баҳсда монғолиялик ва голландиялик курашчилар, шунингдек, жамоадoshi Дилшод Чориев устидан ҳеч қандай қийинчиликсиз галаба қозонишининг улдасидан чиққан бўлса-да, яримфиналда Кунчиқар юрт вакили Данки Нишчиёмага имкониятни бой бериб қўйди. Термаизнинг Дилшод Чориев ҳамда Абдулла Танг-



риев (100 кг.) каби аъзоларига эса 5-ўрин насиб этди. Шундай бўлса-да, жами 13 очко тўплаган ҳамюртларимиз жамоавий рўйхатда дзю-

до ватани Япония (12 очко), шунингдек, Россия, Монғолия, Грузия сингари кучли термаларни ортга қолдиришининг улдасидан чиқдилар.



10-16 февраль кунлари учун олинган об-ҳаво маълумотларига қараганда, мамлакатимизда асосан ҳаво очик келиб, мўтадил ҳарорат сақланиб туради. Фақатгина 12 февраль кунлари Сирдарё, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Кашкадарё, Сурхондарё, Фарғона, Наманган, Тошкент вилоятлари ҳамда пойтахтда, 13 февраль кунлари эса Фарғона водийси вилоятларида кичик муддатли ёмғир ёғади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат бирмунча пасаяди, яъни кечаси 0-3 даража совук, кундузи 2-6 даража иллик бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятларида термометр тунда -3-+3, кундузи эса 6-15 даража илиқни кўрсатади. Кашкадарё ва Сурхондарё вилоятларида кечалари -2-+7, кундузи кунлари 9-16 даражагача иссиқи қутилмоқда. Фарғона водийси вилоятларида тунда 0-6 даража совук, кундузи 4-11 даража иллик об-ҳаво кузатилади. Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида тунлари -6-+1, кундузи кунлари эса 4-13 даража иллик ҳарорат қайд этилади. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда кечаси 0-5 даража совук, кундузи 7-13 даража иллик об-ҳаво қутилмоқда.

AGROBANK — ЮРТ ОБЎДИГИ ВА ЯРАТУВЧАНЛИК ҲОЛАРИНИНГ МОЛЛИВИЙ ТАЪЛИҚИ

TURON BANK
Эффективный рост ваших капиталов

МЧЖ «ЖОМВОУ ЈАВОНИРИ» ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ ҚўШМА КОРХОНАСИ

МАХСУЛОТ ТУРГАРИ:
Қўплаган микрокальцит — 065ZMK, 095MK, 1MK, 2EXMK, 2MK, 3MK, 5MK
Микрокальцит 065M, 095M, 1M, 2EXM, 2M, 3M, 5M, 10M, 15-40M

Манзил: Самарқанд вилояти, Жомбой тумани, Деҳқонобод қўرғони, Сайрат худуди. Тел: (+998 66) 900-70-06, (+998 95) 502-42-24.